ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Иқтисодиёт ва статистика» факультети

Холмўминов Ш.Р.

# «МЕҲНАТ БОЗОРИ ИҚТИСОДИЁТИ»

фанидан

## МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ

ТОШКЕНТ 2000й

Холмўминов Ш.Р. «Меҳнат бозори иқтисодиёти» фани (маъруза матнлари) - Т.: ТДИУ, 2000 - 59 б.(Муаллиф таҳрири асосида)

Ушбу маърузалар матнларида «меҳнат бозори» тушунчаси, унинг таркибий қисмлари, шаклланиши, ривожланиши, тартибга солиниши ва таҳлили, истиқболланиши каби долзарб мавзулар батафсил баён этилган. Улар «иқтисодиёт» таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» кафедраси мудири, акад. Абдураҳмонов Қ.Х.; Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» маркази директори, и.ф.д., проф., ЎзФА академиги Убайдуллаева Р.А.

«Иқтисодиёт ва статистика» факультети илмий кенгаши ва «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» кафедрасининг мажлиси томонидан нашрга тавсия этилган.

# КИРИШ

Президент И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларини чуқурлаштириш йўлида» китобида таъкидлаб ўтганидек «...меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш...» республикамизнинг ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришдан энг долзарб масалалардан биридир. Ушбу муаммони ечими бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кўпроқ меҳнат бозори оқилона шаклланиши ва самарали ривожланиши асосида топилади. Бу эса «меҳнат бозори иқтисодиёти» фанининг назарий ва амалий асосларини мукаммалроқ ўрганишни талаб этади.

Мазкур фанни мақсади-талабларга меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган республикамизда учун характерли бўлган ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқишни ўргатишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мазкур фаннинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

- «меҳнат бозори» тушунчаси ва унинг таркибий қисмларини ўрганиш;
- меҳнат бозори шаклланиши ва унга таъсир этувчи омиллари, шарт-шароитлари, тамойиллари ва чекловчиларини аниқлаш;
- меҳнат бозори ривожланишининг асосий босқичлари ва уларни ижтимоий-иқтисодий тадбирларини белгилаш;
- меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаби ва таклифи тартибга солиш усулларини ўргашиш;
- меҳнат бозорини таҳлил қилишнинг аниқ социологик тадқиқот усулини ўрганиб, уни қўллаш методикаси билан танишиш;
- ишчи кучига талаб таклифни яқин келажакдаги ҳолатининг истиқболлаштириш асосларини ўрганиш;
- меҳнат бозори ривожланишини мақсадли комплекс дастурини тузишни ўргатиш;

«Меҳнат бозори иқтисодиёти» фани «меҳнат иқтисодиёти», «иқтисодий назария», «макроиқтисодиёт», «микроиқтисодиёт», «маркетинг» ва «менежмент» каби иқтисодий фанлар билан узвий боғланган.

# 1-Мавзу. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ МОҲИЯТИ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1.1. *«Меҳнат бозори» ҳақида тушунчалар.*
1.2. Меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни.
1.3. Меҳнат бозорининг асосий вазифалари.

## 1.1. «Меҳнат бозори» ҳақида тушунчалар.

Ҳозирги вақтда ўтиш даври иқтисодиётининг олдида турган долзарб муаммолардан бири *меҳнат бозорини шакллантириш ва самарали ривожлантиришдир.* Бунинг учун, ҳаммадан аввал ижтимоий ва иқтисодий тизимлар ривожланишининг объектив қонунларидан саводли фойдаланиш зарур.

Маълумки, тараққиёт соҳиби бўлиб хизмат қилган инсон-жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи ҳамдир. У бир вақтнинг ўзида моддий бойликлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиси ва истеъмол қилувчиси бўлганлиги сабабли, айнан унинг туфайлигина «ишлаб чиқариш - истеъмол» тизимида мувозанатга эришилади. Фақат кишин эҳтиёжини жуда муҳим деб билган ва уни самарали такрор ишлаб чиқарилишини таъминлаган *жамиятгина энг юқори тараққиётга эришади.* Жамиятнинг бошқа барча воситалари: мулкчилик шакллари, ишлаб чиқариш ва илмий салоҳият, молия, нархлар ва ҳ.к. ушбу асосий мақсадга бўйсуниши керак. Бу дегани, бугунги бозорга қараб иқтисодий тизим ҳаракатини тўғри мўлжалга олмоқ, ўтиш даврини тезлатмоқ ёхуд секинлаштирмоқдир.

Меҳнат бозори бозорнинг бошқа тизимчалари билан узвий боғланган. Ҳақиқатдан ҳам талабга эга бўлиш учун ишчи кучи жисмоний, ақлий ва *касбий қобилиятларнинг белгиланган мажмуасига эга бўлиши керак.* Ишлаб чиқариш жараёнида бу қобилиятларни тадбиқ эта туриб, у ўз истеъмол сифатларини йўқотмаслиги учун доимо қайта ишлаб чиқарилиши лозим. Нафақат ўзини қайта ишлаб чиқариш, балки меҳнат ресурслари ва бутун аҳолининг сифат кўрсаткичларини ҳам яхшиланишини ошириб ёки пасайтириб, ушбу тенгсизликни йўқ қилиши мумкин. Ишчи кучига жамъи талаб - инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажмлари билан тартибга солинади.

Проф. В.А.Павленков таъкидлайдики, бозор иқтисодиётида меҳнат бозори ёлланиб ишлашга қодир кишиларнинг барчасини: ҳам ёлланма меҳнат билан *банд бўлганлар ва ҳам банд бўлмаганларни қамраб олади* [7,9 б.] А.А.Никифорова эса бошқа умумий таърифни таклиф этади: "Меҳнат бозори ривожланишининг даражаси ва бозорда иштирок этувчи кучлар: тадбиркорлар, меҳнаткашлар ва давлат ўртасида маълум даврда эришилган манфаатлар балансини акс эттирувчи ижтимоий муносабатлар тизими сифатида вужудга келган" [6,10 б]. Кейинги йилларда меҳнат бозори ҳақида аниқроқ тушунчалар пайдо бўлди. Баъзи бир тадқиқотчилар [2,3] меҳнат бозорини иш ҳақи ва даромадларининг эркин ҳаракати орқали меҳнатга талабни ва

ишчи кучи таклифини ўзини ўзи тартибга солувчи механизм сифатида талқин қиладилар.

Бошқалар тушунтирадиларки, меҳнат бозори иш берувчилар ва ёлланиб ишлашни хоҳловчиларни бевосита келишуви орқали талаб ва таклифни қаноатлантириш учун шароитлар яратади ва ишчи кучини харид қилиш-сотиш жараёнларини бевосита тартибга солмайди. Н.С.Масловани таърифи бўйича - "меҳнат бозори - бу ўсувчи тизим, унда мулкчилик субъектлари ишчи жойлари ва ишчи кучи таклифлари, ходимга ва "ёлланма ишга талаб ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириб, ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат воситалари ва ишчи кучи)га ўзаро таъсир этади"[5,9-10б]. Меҳнат бозори мавжуд., аммо "кесик, шакли ўзгартирилган кўринишда, бунинг устига ҳар нарсани ўз ичига оладиган характерга эга бўлмай, балки меҳнат муносабатларининг фақат бир қисмини қамраб олади" [4,8б].

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозори - бу **меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи контрактлар (меҳнат келишувлари) асосида "*меҳнатга қобилиятларини*" харид қилиш - сотишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсувчи ва очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир.**

## 1.2. Меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни

Республикамиз учун меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича муаммони ҳал қилишнинг энг самарали қуролларидан бири бўлган меҳнат бозори (МБ) тушунчаси, таркиби, хусусиятлари ва вазифаларини тадқиқот қилиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш қуйидаги демографик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятларининг инобатга олинишини тақозо этади:

- республикада меҳнатга қобилиятли аҳолининг 60% дан ортиғи қишлоқ жойларда яшайди ва ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 40% дан кўпроғини ишлаб чиқаради;

-ноқишлоқ хўжалиги ишчи жойларининг етишмаслиги сабабли иш билан банд бўлмаган қишлоқ меҳнат ресурсларининг улуши республиканинг иш билан банд бўлмаган бутун аҳолисининг 60% дан ортиғини ташкил қилади ва уларнинг сони ўсмоқда;

- меҳнатга қобилиятли иш билан банд бўлмаган меҳнаткашларнинг малакаси ва сафарбарлигининг пастлиги уларнинг яшаш жойларидан шаҳарга ва мамлакатнинг кам меҳнат билан таъминланган ҳудудларига ҳамда хорижий давлатлар объектларига қараб ҳаракат қилишларига асосий тўсиқ бўлмоқда;

- меҳнат ресурсларининг сонини меҳнатга талбиқ этиш минтақаларга нисбатан тезроқ ўсиши ишириш иисизлигини. айниқса қишлоқ хўжалигида

ишчи кучини таклиф этиш унга талабдан ошиб кетадиган даражада кўпайишига бевосита ёрдам беради;

• *худудларда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда хусусий хўжаликларда янги ишчи жойларини яратиш йўли билан ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги рационал нисбатни таъминлаш учун ҳақиқий имкониятлар мавжуд.*

*Бозор иқтисодиётига ўтиш даври шароитларида меҳнат бозорини "меҳнатга қобилияти" ишчи кучини харид қилиш-сотишни амалга оширувчи тизим сифатида кўриб чиқиш ўринли эмас.* **Шунинг учун у ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий меҳнат соҳасининг очиқ, мураккаб, *кўп аспектли ва ўсувчи тизимчаси бўлиб,* ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини *шакллантирувчидир.* Мазкур бозор *ишчи кучи талаб ва аҳолининг таклифини тартибга солишда* бевосита иштирок этади ва оқилона бандлигини шакллантириш ҳамда ишсизликни *камайтиришга кўмаклашади.***

**МБ таркибий қисмининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ишчи кучига *талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси ва ёлланишдаги* рақобат.** Талаб агросаноат мажмуаси, ишлаб чиқариш - ижтимоий инфраструктураси ва бошқа *халқ хўжалиги соҳаларининг* МБ га буюртма этган, иш ҳақи фонди, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан даромадлар ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган **эҳтиёжнинг ҳажми ва таркибини акс эттиради. Таклиф** ёлланма шарти билан ишга эга бўлишдан манфаатдор **бўлган қишлоқ ишчи кучининг миқдор ва *сифат (сони, жинси, ёши,* маълумоти, касби,** малакаси, миллати, ишлаб чиқиши, **даромади ва бошқалар бўйича) таркибини *ифодалайди.***

## 1.3. *Меҳнат бозорининг асосий вазифалари.*

**Шуни таъкидлаш жоизки, "меҳнат бозори" тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни таркибий қисмларининг систематик тадқиқоти мазкур бозорни ўтиш даврида бажариладиган асосий вазифаларни ҳам аниқлашга имкон беради:**

•ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;

•бозор услубида хўжалик юритишнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш;

•меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш;

•*ишсизларни иш топишга ва* уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятини оширишга кўмаклашиш;

•*ишлаб чиқариш харажатларини* қисқартириш *ва* меҳнат тақсимотини ўзгартириш.

Улар саноат, хизмат кўрсатиш ва бошка конкрет меҳнатни қўлловчи соҳаларга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида озод бўлган ходимларни рақобат асосида жалб қилишни рағбатлантиради, ҳамда шунинг билан муомала соҳасида ишчи кучи резервини шакллантириб, банд бўлмасдан қолишига имкон беради. Бу нуқтаи назардан энг аниқ хулоса И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган: "Меҳнат бозори меҳнат ресурсларининг ишчи *кучига бўлган талаб ва таклифнинг шакллантириш асосида хўжалик юритиш* соҳалари ва тармоқлари, машғулот турлари ва шакллари бўйича аниқ мақсадни кўзлаб тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси вазифасини бажариши лозим" [1,76 б].

## Қисқача хулосалар

1. Меҳнат бозори ишчи кучининг «меҳнатга бўлган қобилиятининг» сотиш ва сотиб олиш тизимидир.

2. Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари ишчи кучига талаб, ишчи кучининг таклифи, қиймати ва баҳоси, ҳамда уни белгилашда рақобат ҳисобланади.

3. Меҳнат бозори ўзининг асосий вазифаларини бажариш талаб ва таклиф ўртасидаги фарқни камайишига ва аҳолининг иш билан бандлигини ошишига олиб келади.

## Таянч иборалари:

Меҳнат бозори; талаб; таклиф, қиймат; баҳо; рақобат; асосий функциялар; хусусиятлар.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1.Меҳнат бозори нима?

2.Меҳнат бозорини таркибий қисмлари нималардан иборат?

3.Меҳнат бозорини қандай асосий вазифалар бор?

## Адабиётлар


1.Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли - Т.: Ўзбекистон, 1993

2.Восколович Н.А., Голин А.М. Сельские жители и рынок труда экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий - М.: 1992- №1.

3.Дмитриев Ю. Рынок труда: предложение, спрос, управление. // Проблемы теории и практики управления - М.:1991, №4.

4.Замарянова Н.Ю.Структурная сбалансированность рабочих мест и трудовых ресурсов. Автореф.дис.к.э.н - М.:МГУ, 1991.

5.Маслова И.С. Эффективная занятость и рынок рабочейсылы. Эффективность труда в условиях нового хозяйственного механизм. Ответ.ред.Д.Н. Карпухин - М.: Наука, 1992.

6.Нигифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица - М.: Международние отношения. 1991.

7.Павленков В.А. Рынок труда - М.: Анлиг. 1992.

# 2-Мавзу. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

2.1. Меҳнат бозорини шаклланиши шарт-шароитлари ва хусусиятлари.
2.2. Меҳнат бозорини шаклланиш тамойиллари, омиллари ва чекловчилари.

## 2.1. Меҳнат бозорининг шаклланиш шарт-шароитлари ва хусусиятлари.

Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги - меҳнат бозорини шаклланишининг асосий шароити ёхуд шартидир.

Шу билан бир қаторда МБнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқлимий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ва омиллар мавжудки, уларни биз қуйида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

МБ шаклланишининг асосий иқтисодий шарт-шароити бўлиб, ёлланма ходимларнинг ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчиликлари ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қилади. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, мазкур субъектларни ўзаро алмашув муносабатига киришига уларнинг шахсий манфаатлари мажбур қилади, унинг орқасида шахсий истеъмолчилик ётади. Улар ҳам ўз навбатида қайта такрор ишлаб чиқаришда аҳолини ижтимоий-иқтисодий турмушининг фақат керакли ижтимоий эҳтиёжини ифодаланиши бўлади.

МБнинг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шерикларни иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақозо этади. Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нуқтаи назаридан ўзаро боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарши турадилар.

Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш МБнинг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби - таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли аҳолиси сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ўсиши.

Иқтисодиётнинг барча секторларидаги таркибий ўзгаришлар ҳозирги шароитда МБда ишчи кучига талаб ва таклифнинг янги ҳаракатини белгиловчи энг муҳим иқтисодий шартлардан ҳисобланади. Булар саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойларини яратишни ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сифат ўзгаришларини асослаб беради. Бундай шароитларда бир томондан МБнинг янги инфраструктурасининг кўп жонли меҳнат талаб қиладиган тармоқлари ва ишлаб чиқариш бўғинларини қамраб олса, бошқа томондан иқтисодиётнинг анъанавий секторларида бозор муносабатларини вужудга келтиради ва ривожланади.

Ишчи кучи нархини ўзгариши МБнинг шаклланишининг муҳим иқтисодий шарти ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошираётган мамлакатларда иш ҳақининг ҳақиқий даражасини пасайиши тенденцияси кузатилади. *Назарий жиҳатдан бундай саънатда иш ҳақини қийматидан пастроқ белгилаш учун қулай имкониятлар яратилади.* Аммо бундай имкониятлардан фойдаланишни давлат қонунчилик йўли билан "тўсиб қўйиш"га ҳаракат қилади. Шу мақсадда минимал иш ҳақи ва кун *кечириш учун зарур миқдор даражаси расмий равишда белгиланади. Бундай* ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти нормал фаолият кўрсатганда минимал иш ҳақи кун кечириш учун зарур миқдор даражасидан кам бўлмаслиги лозим.

МБ конъюктурасини шаклланишининг ижтимоий шарт-шароитлари ичида ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг сифат кўрсаткичларини ошиши етакчи ўрин эгаллайди. Агросаноат комплекси ва хизмат кўрсатиш тармоқлари кўламларининг кенгайиши, уларнинг интенсив ривожланишини, ўз вақтида моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминланишини меҳнаткашларни қайта тайёргарликдан ўтишини ва янги замонавий касбларни (универсал ишчи ва хизматчи тадбиркор, менежмент, маркетинг ва ҳ.к.) ўзлаштиришни талаб қилади.

Демографик шарт-шароитлар ишчи кучи таклифининг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади. Масалан, юқори даражадаги туғилиш меҳнат бозорига аҳолининг катта оқимини келишини асослайди. Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёш бўйича тузилишида 16-29 ёшли йигит қизларнинг улуши 1998 йилда 30,4%ни ташкил қилди.

Ўрта мактабларни битирувчиларнинг кўпчилиги, дастлабки касб тайёргарлигига эга бўлмасликлари ҳолда қишлоқ хўжалигига жалб қилинадилар. Самарқанд вилоятида ўтказилган социологик тадқиқот шуни кўрсатадики, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси ўртасида ёшларнинг улуши 34%ни, баъзи бир туманларда эса 35-55 %ни ташкил қилди, уларнинг мутлоқ кўпчилиги хотин-қизлардир (60-65%). Қишлоқ ёшларининг 89% ишга жойлашишни хохлайдилар.

Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (контракт) МБда ишчи кучининг сотиш, сотиб олишнинг ҳал қилувчи ҳуқуқий шарт-шароити ҳисобланади.

Меҳнат ҳуқуқи бўйича ғарб мутахассисларининг илмий ишларида меҳнат шартномаси "ходимни иш ҳақи эвазига меҳнат қилиш мажбуриятини олиш ва ҳуқуқий бўйсуниш мавжудлиги ҳақидаги келишув" сифатида ифодаланади [2, 28 б]. Шартнома хусусий-ҳуқуқий харидларнинг турлича кўриниши бўлиб, унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқига хос меъёрлар, қоидалар, концептуал конструкцияларни қўллаш имкониятлари ва зарурияти асослайди.

Меҳнат шартномасининг бош хусусияти шундан иборатки, уни тузиш албатта бўйсуниш ва боғлиқликка олиб келади, бундан ташқари вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга ишончлилик ва узоқ муддатлилик характе

рини ифодалайди. Ишловчини ёлловчига бўйсунишига иқтисодий маънода меҳнат шартномаси

нинг асосий аломати сифатида қаралади. Бу бўйсуниш, қоидага кўра, нафақат ижтимоий-иқтисодий, техник, ташкилий - балки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Меҳнат Кодексининг барча талабларига жавоб берувчи шакллантирилган юридик характерга эга.

Ишчи кучига талаб ва таклиф нисбатини яхшиланишига табиий-иқлим шароитлари муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Юқори унумдор қишлоқ хўжалиги ерларида ва етарлича сув билан таъминланган яшаш жойларида ишчи кучи кўпроқ жамланади ва ишчи жойлари нормал фаолият кўрсатади. Янги иш жойларини яратиш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш йўли билан ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга маълум даражада имкониятлар вужудга келтирилди. Бу эса меҳнат ресурсларининг ортиқчалик даражасини, демак, ишсизлик миқёсини ҳам кескин камайтиришга бевосита таъсир этади.

## 2.2. Меҳнат бозорини шаклланиш тамойиллари, омиллари ва чекловчилари.

Юқорида қайд этилган шарт-шароитлар МБ фаолият кўрсатишининг қуйидаги асосий тамойилларини тўлиқ амалга тадбиқ этган ҳолда мазкур бозорни шаклланишига самарали таъсир кўрсатади:

•**ишчи кучининг эркин таклифи.** Бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлиш ва бўлмаслигини ихтиёрий танлашини, меҳнат қонунлари томонидан таъқиқланмайдиган ва ҳар бир ходимнинг шахсий ва жамоа манфаатларини ҳисобга олувчи касб ва фаолият турини эркин танлаш учун шароитлар мавжудлигини англатади;

•**иш берувчиларнинг ишчи кучига мустақил талаби.** Бозор иқтисодиёти ходимларни барча иш берувчилар томонидан ЎзР Конституцияси ва Меҳнат Кодекси қоидаларига албатта амал қилган ҳолда ишга эркин ёллашлари ва ишдан бўшатишлари, ҳамда бандлик, меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлашни кафолатлаш билан фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари учун имкониятлар яратади;

•**ёлланма ходимларни иш берувчилардан ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинганлиги;**

•**иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар** чегарасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган "кун кечириш учун зарур миқдордан кам бўлмаслик"ка [1, 176] риоя қилган ҳолда эркин белгилаш.

Шу билан бирга ортиқча меҳнат ресурсларига эга республикамиз ҳудудларида ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифини пасайишига бевосита таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Ишчи кучига талабнинг ошишини асословчи омилларга қуйидагилар киради: қишлоқ хўжалиги тармоқларда янги иш жойларини яратиш, меҳнат кўлланилмаган амалдаги минтақаларни техник қайта жиҳозлаш, модернизациялаш, қайта таъмирлаш, хорижий

сармояларни жалб қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, қайта ишлаш саноати, хизматлар кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти кўламини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар. Шу билан бир вақтда ишчи кучи таклифини ва иш жойларига эҳтиёжни пасайтирувчи омиллар вужудга келади ва улар таъсир қила бошлайди: шахсий ёрдамчи хўжалик, якка меҳнат фаолияти хусусий тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилишнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш, бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усулларини тадбиқ этиш, инфляция ва ишсизликни пасайтириш, маҳаллий кадрларнинг мобиллигини (сафарбарлигини) ҳамда малакасини ошириш ва бошқалар.

Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган ҳудудларда эса бир қатор омиллар ишчи кучига талабнинг пасайишига кўмаклашади. Хусусан, бу ижара ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш, тўлаш қобилиятига эга бўлмаган ёки экологик зарарли корхоналарни ёпиш, янги ерларни ўзлаштириш кўламини қисқартириш, моддий-техникавий ва молиявий ресурслар таъминотини яхшилаш, интенсив технологияни қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳ.к. Бундан ташқари, мазкур ҳудудларда ишчи кучи таклифини оширувчи омиллар мавжуд: кадрларнинг малакаси, маълумоти, мобиллик ва экспортабеллик даражасининг пастлиги, меҳнат ресурслари сонини ўсиш суръатининг иш жойлари миқдорига нисбатан юқорилиги, қишлоқ хўжалигида ишловчиларни иш жойидан озод этишнинг кўпайиши, меҳнатни қўллаш минтақаларининг етишмаслиги ва бошқалар.

Шу билан бирга шундай омиллар ҳам борки, улар комплекс ҳолида ишчи кучи таклифининг шаклланиши ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради: ишлашни хоҳловчилар, ёлланган ходимлар ва иш берувчиларнинг табиий ва механик ҳаракатлари; турмуш учун зарур бўлган маблағлар жамғармаси; ёлланган ходимларнинг пул даромадлари; нафақахўрлар ва болалик аёлларнинг меҳнат ва ижтимоий пенсиялари, имтиёзлари ва кафолатлари; касбий тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга зарурияти бўлган шахсларни маблағлар билан таъминловчи давлат, корхона ва оиланинг молиявий имкониятлари; шахсий ёрдамчи хўжалигида ва ёлланмасдан "уй меҳнати"да банд бўлганларнинг сони; Қуролли Кучларда хизмат қилувчилар сони ва уларда хизмат қилиш муддати; муқобил ва малакали касбий хизматларни такомиллаштириш ва ҳ.к.

**Ишчи кучига талабнинг ўсиши ёки камайиши (динамикаси)** қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши билан аниқланади: мавжуд бўлган ва янгидан яратиладиган ишчи жойлари; инвестиция салоҳияти ва унинг такрор ишлаб чиқариш тузилиши; иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар; мулкчилик шаклларининг турли туманлиги; корхоналар ва ташкилотларнинг тўловга қодир эмаслиги (банкротлиги) ва ҳ.к.

Ўзбекистон шароитида МБнинг самарали шакллантиришга тўсиқ бўлаётган бир қатор чекловчилар ҳам мавжуд; меҳнатни қўллашнинг қишлоқ хўжалиги минтақаларини яхши ривожланмаганлиги; меҳнат

ҳақининг паст даражаси, истеъмол товарларининг қимматлашуви; ёлланма иш кучининг малакаси ва сафарбарлигининг пастлиги; иш берувчиларнинг етарлича тажрибага эга эмаслиги ва ҳ.к.

### Қисқача хулосалар

1.Меҳнат бозорини шаклланишига ишчи кучининг «меҳнатга бўлган қобилиятини» товарга айланиши, ишчи кучининг эркин таклифи, иш берувчиларнинг ишчи кучига мустақил талаби, иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, кўп мулкчиликнинг ривожланиши каби иқтисодий, ижтимоий ва хуқуқий шарт-шароитлар бевосита таъсир этади.

2.Меҳнат бозорини шаклланишида асосий муаммо бўлган ишчи кучига талабни ортиши ва унинг таклифини камайиши турли омиллар, тамойиллар ва чекловчилар таъсирида амалга оширлади.

Таянч иборалар: меҳнат бозорини шаклланиши; шарт-шароитлар, тамойиллар; омиллар; чекловчилар.

### Назорат ва муҳокама учун саволлари

1.Меҳнат бозорини шаклланишига қандай шарт-шароитлар таъсир этади?

2.Меҳнат бозори шаклланишининг қандай тамойиллари мавжуд?

3.Мазкур бозор шаклланишининг қандай омиллари бор?

4.Ишчи кучига талаб ва таклифни шакилланишига нималар тўсиқ бўлади?

### Адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.:Ўзбекистон, 1992

2.Киселев Н.Я. Трудовой договор при капитализме: проблемы найма и увольнения - М,: Наука, 1989

3.Холмўминов Ш.Р.Меҳнат бозори шаклланиса - Т.: «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, 1997, №1

4.Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда - Т.: Фан, 1996.

## 3-Мавзу. МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

3.1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг моҳияти.
3.2. Меҳнат шартномаларининг меҳнат бозорини тартибга солишдаги ўрни.
3.3. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг ҳудудий усуллари.

### 3.1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг моҳияти.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлантириш йўлида" китобида меҳнат бозорини бошқариш ва бандлик сиёсатини фаол ўтказиш, республиканинг меҳнатга яроқли аҳоли зич жойлашган туманларида кичик ва ўрта корхоналарни устивор ривожлантириш ҳисобига янги иш жойларини бунёд этишни рағбатлантириш масалаларига катта эътибор берган. Шу муносабат билан меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-меҳнат можароларини бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллайди. Меҳнат бозорида мазкур муносабатлар жамоавий, шахсий ва ҳудудий усуллар асосида тартибга солинади. Жамоавий битимлар тузилаётганда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг Конвенцияси ва тавсияларига асосланилади. ХМТ Конвенциясида (54-бандида) таъкидланганидек, "Жамоавий музокаралар, бир томондан тадбирлар, тадбиркорлар гуруҳи билан, бошқа томондан эса, меҳнаткашларнинг битта ёки бир неча ташкилоти ўртасида: а) меҳнат шароити ва бандликни белгилаш; б) тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш; в) тадбиркорлар ёки уларнинг ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларида олиб бориладиган барча музокараларни билдиради" [2, 483 б].

### 3.2. Меҳнат шартномаларининг меҳнат бозорини тартибга солишдаги ўрни.

МБда бундай тартибга солишни қўллашнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, унда қабул қилинадиган қарорлар ниҳоятда қайишқоқ (эгилувчан, мослашувчан) бўлади, уларни на қонунчилик, на суд ва на маъмурий усулларга қиёслаб бўлмайди. Меҳнат муносабатларини тартибга солиш комплекс-шартнома тизимининг қайишқоқлиги, шунингдек, муносабатлари соҳасида тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқариш ҳақидаги кенг ёйилган тўғри тасаввурларга эга бўлишдир. Айрим ходим музокараларда ўзидан анча кучли шериги - иш берувчига нисбатан акка тартибда амалга оширадиган хатти-ҳаракатлари билан қаршилик кўрсата ол-

майди. Бoз устига, жамоавий шартномага кўра, малакаси паст ҳамда етарли даражада юқори унум билан ишлай олмайдиган ишчи кучининг иш жойини муайян муддатга сақлаб турилади. Жамоавий шартнома меҳнат муносабатлари барқарорлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга. Жамоавий шартнома тизими меҳнат бозоридаги хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларидаги можароларни ўзича бартараф эта олмайди. Чунки, ушбу можаролар асосини ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, интилишлар, талаблардаги фарқлар ташкил этади. Гарчи, жамоавий битимлар тизими манфаатларни келишиб олиш, ўзаро бир қарорга келиш ва можароларни тезлик билан бартараф этиш жараёнларини кўзда тутсада музокаралар жараёни анча мақбул натижаларга эришиш имкониятини ҳам яратади. Айни пайтда битим шартлари шартнома шаклини олиб, икки томонни мазкур шартлар асосида ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида охирги чораларни кўрмасдан, яъни иш ташлаш ёки ишдан бўшатишга йўл қўймай, ҳаракат қилишга мажбур этади.

Келажакда, жамоавий битимлар, шунингдек, МБ фаолиятини, кадрларни ўқитиш ва малакаларини ошириш ҳамда ўзгартириш, уларнинг иш ҳақи ва нафақаларини иш билан таъминлаш кўрсаткичларини тартибга солиш масалаларини ҳам ўзига қамраб олади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, асосан жамоавий меҳнат шартномаси тизими ва бевосита давлатнинг тартибга солиб бориши амал қилишига қарамай, ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар якка тартибда ҳам ҳал этилиши мумкин.

Ходим билан тузилган шахсий иш берувчиси учун анча фойдалидир. Шахсий шартнома тизими меҳнатчининг меҳнат шароити ва унга тўланадиган иш ҳақини шу одамга қараб белгилаш имконини беради. Жамоавий битимларга кўра эса, бундай қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, тузиладиган шахсий битим кўп ҳолларда меҳнаткашларни ижтимоий кафолатларнинг маълум қисмидан маҳрум этади.

Меҳнат муносабатларини шахсий услубда тартибга солиш ва бандликнинг қайишқоқ шаклларини жорий этиш - меҳнаткашлар кучидан фойдаланиш (эксплуатация характерда) кучайтириш ҳамда доимий ишловчи шахслар учун илгари мавжуд бўлган ижтимоий кафолатлардан воз кечилишидан ташқари яна бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, ривожланган мамлакатлардаги меҳнат бозорларида доимий ишчи кучларини вақтинча ёки тўлиқсиз иш вақтида ишловчи шахслар (ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва ҳоказо) билан алмаштириш қоида тусига кирмоқда. Табиийки, мазкур ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ижтимоий жиҳатдан кам муҳофазаланган ва жамоавий шартномалар билан қамраб олинмаган. Шу боис давлат айниқса, хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ёллашнинг шахсий шарнома шакллари ривожини назорат қилиб бориш керак. Акс ҳолда, ишсизлик кучайиши натижасида давлат ишсизлик бўйича ижтимоий тўловларни анча кўпайтиришга мажбур бўлиб қолади.

Сўнгги ҳолатни алоҳида ҳисобга олишимиз лозим. Чунки, республикамизда, бир томондан, ишчиларни ёллаб ишлатиш бўйича хусусий тадбир-

корлик ва бизнес яхши ривожланмаган бўлса, иккинчи томондан эса, кам таъминланган ҳамда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган меҳнаткашлар орасида ишсизлар сони ошиб бораётганлиги.

Буларнинг ҳаммаси МБдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг янги, самарали ҳудудий усулларини, уларни меҳнат ресурслари ортиқча ва етишмайдиган ҳудудларга бўлган ҳолда тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

### 3.3. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг ҳудудий усуллари.

Республиканинг меҳнат ресурслари ортиқча ҳудудлари, аввало, **Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм** вилоятлари учун мазкур бозорни тартибга солишнинг анча самарали усуллари деб, ишчи кучига бўлган талабнинг оширилиши ва унинг таклифи камайишини ҳисоблаш зарур.

Мазкур усуллар нималарда ифодаланишини батафсил кўриб чиқайлик.

**а) Ишчи кучига талабни ошириш усули.**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, иқтисодиётимиз таркибий ўзгартириш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан ишлаб чиқаришдан бўшатилаётган ходимлар - меҳнаткашлар сони тез кўпаймоқда.

Ишчи кучига бўлган талабни оширишни рағбатлантириш усулларини тадқиқ этиш - меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга, ҳамда мазкур ҳудудлар учун самарали тармоқларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва харид қилиш ҳамда агросервис хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш кучлари ва бандликнинг ноанъанавий шаклларини ривожлантириш, аграр сектордаги ишдан вақтинча бўшатилаётган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар-сармоялар қўллашнинининг асосий йўналишларидир.

Ишчи кучларига талабни оширишни агросаноат мажмуининг меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашдан манфаатдор тармоқларида иш жойларин яратиш ҳамда мавжудларини қайта таъмирлаш ва янги замонавий касбларни эгаллашга сармояларни тўғридан-тўғри жалб қилиш орқали тартибга солиш мумкин. Дотациялар, субсидиялар ва кредитларни агросаноат мажмуи корхоналарини, айниқса, қайта ишлаш корхоналарини қуриш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга, шахсий меҳнат фаолиятини ривожлантириш йўли билан хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга, шунингдек, кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар, ногиронлар, ёшлар ва ҳоказолар мос иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириш мақсадида мувофиқдир. Шу тариқа ортиқча меҳнат ресурсла-

рини юқорида айтиб ўтилган тармоқларга ва айрим махсус иш жойларига жалб этиш, айни пайтда ишчи кучларининг касбий ва малака таркибига бевосита таъсир ўтказишни мумкин.

*Муваққат иш жойларини яратиш* ва мулкчилик турли шаклларини ривожлантиришни аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан бири. У корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бюджет тўловлари ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий суғурта бадалларини камайтириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини енгиллатиш, бандликнинг ноанъанавий шаклларини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш каби чора-тадбирлар ёрдамида амалга оширилади.

**б) *Ишчи кучларига таклифни камайтириш усули.***

Ишчи кучларига бўлган таклифни камайтиришга, шунинг-дек, уларнинг МБга оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини ижтимоий ишлаб *чиқаришда банд бўлганлар ўртасида* қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин. Республикамизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида умумтаълим дастурларини кенгайтириш ва ўқиш муддатини узайтириш билан касбий тайёргарликни яхшилаш, ўқув юртларида кундузги таълим олинадиган ўқув ўринларини кўпайтириш ва кечки ҳамда сиртқи ўқувдаги талаба ўринларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганларга стипендияларни ошириш, аёлларга бола парваришни учун тўланадиган нафақалар ва бериладиган таътил муддатини кўпайтириш, меҳнат стажини ҳисоблашда уларга имтиёз бериш; пенсионерлар, ногиронлар ҳамлар уларни парваришлайдиган шахсларнинг пенсияларини ошириш - МБда ишчи кучларининг оқиб келишини камайтириш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Иш билан бандлар орасида иш вақти ва иш жойлари ишчи кучларига бўлган таклифни камайтириш мақсадаларида қайта тақсимланади. Аҳоли бандлигининг хусусий ва вақтинчалик шаклларига ўтишларини рағбатлантиришга уларга ҳам иш билан тўла банд қилинган шахсларга мўлжалланган ижтимоий таъминотнинг турларини, таътиллар ва бошқа ижтимоий кафолатларининг миқдорларини ўрнатиш, кафолатланган энг кам миқдорлаги иш ҳақи билан таъминлаш, ҳар йили бериладиган таътилларни ўз вақтида бериш, иш куни ва иш ҳафтаси давомийлигини қисқартириш орқали эришиш мумкин.

Мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари етишмайдиган минтақалари (Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси) да ишчи кучларига талабни камайтириш ҳамда улар таклифини кўпайтириш МБни тартибга солишнинг мақсадга мувофиқ усулларидир.

Ушбу усулларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

**а) Ишчи кучларига талабни камайтириш усули.**

Усулларнинг мазкур гуруҳига ҳудудий ҳокимиятларнинг у ёки бу минтақаларида ва тармоқларида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва янги иш жойларини вужудга келтиришни секинлаштиришга оид

қуйидаги чора-тадбирлар: ортиқча ишчи кучларидан фойдаланганлик учун қўшимча солиқларни белгилаш; қаттиқ кредит сиёсатини ўтказиш; корхонага ходимни ишга олганлиги учун бир марталик тўловни жорий этиш; ортиқча ишчи ва хизматчиларни қисқартиришни рағбатлантириш ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, ишчи кучларига талабни камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликка эришиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ривожланган бозор муносабатлари шароитларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш - рақобат, фойдани тақсимлаш механизми, солиқ сиёсати каби умумхўжалик механизмлари ва дастаклари ёрдамида таъминланиши лозим. Ҳозирги пайтда саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни рағбатлантиришнинг умумхўжалик механизмлари яхши такомиллаштирилмаганлигини ҳисобга олиб, меҳнат ресурслари учун илгари жорий қилинган тўловларни қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир. Улар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва штатдан ташқари ходимлар сонини камайтиришга кўмаклашиш. Бу хил тўловлар корхона ва ташкилот томонидан штатдан ташқари ходимларни сақлаш учун қатъий ставка шаклида ўрнатилади. Шу билан бирга, ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатлар ўрнини коплаш учун ижтимоий суғурта солинадиган солиқ ва ишсизликдан ҳимоя қилиш жамғармасига солинадиган махсус солиқ (иккаласи ҳам - меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фоизларда)дан фойдаланиш мумкин. Ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатларнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларда қабул қилинган бундай тизими жонли меҳнатдан фойдаланишнинг интенсив шаклларини ифодалайди ҳамда меҳнат бозоридаги ходимнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланиши учун зарур кафолатларини яратади.

б) Ишчи кучлари таклифини кўпайтириш усули.

Ҳозирги шарт-шароитларда МБга ишчи кучлари таклифини мутлоқ кўпайтириш, умуман, мумкин эмас. Ишчи кучлари таклифини мутлоқ кўпайтириш, умуман, мумкин эмас. Ишчи кучлари таклифини кўпайтиришга қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ва шаҳобчалари ҳамда шахсий меҳнат фаолияти соҳаларининг ривожи жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда ишчи кучи таклифи на касб, на малака структураси бўйича ҳудуд иқтисодиётининг ноқишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларидаги жонли меҳнатга талабнинг ўсиш суръатига жавоб бермайди. Шу боис ишчи кучи таклифининг сифат кўрсаткичларини ўзгартириш ҳамда унинг МБдаги рақобатбардошлигини ошириш лозим. Бунинг учун эса, бандлик давлат хизмати тизимидаги ва бошқа ўқув юртларидаги ходимларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш, корхоналарнинг ўзидаги махсус курсларда касб-корга ўргатишни яхшилаш ва уларга солиқ тўловида имтиёзлар бериш маҳаллий кадрлар рақобатбардошлигини оширишнинг мақсадли махсус дастурини ишлаб чиқиш керак.

Ишчи кучлари таклифини рағбатлантириш ходимларни ишга ёллаш ва жойлаштиришга ёрдамлашиш усулларини қўллаш орқали ҳам амалга

оширилади. Бу усуллар ташкилий турда бўлиб, бўш иш жойлари ва ишга жойлашиш ҳамда қайта ўқитишга муҳтож фуқароларнинг сони ҳақидаги маълумотлар банкини ташкил этишни, аҳолини ишга жойлашиш имкониятлари ҳақидаги ахборотлар билан таъминлашни, ишсизларни рўйхатга ва ҳисобга олишни, касбга йўналтиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш каби йўналишларни қамраб олади. Меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашнинг анча самарали усуллари орасида турмуш даражасини тартибга солишни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур услублар ҳудудларнинг молиявий ресурслари ҳисобидан ходимларнинг меҳнат ва уй-жой шарт-шароитларини ҳамда, маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаларини яхшилаш каби тадбирларни ўтказиб, уларни тартибга солиш асосида тадбиқ этилади.

### Қисқача хулосалар

1.Меҳнат бозоридаги умумий ижтимоий - иқтисодий муносабатлар жамоа ва шахсий шартномалар асосида тартибга солинади.

2.Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган ҳудудларда меҳнат бозори ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш усуллари билан тартибга солинади.

3.Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган ҳудудларда эса меҳнат бозори ишчи кучига талабни камайтириш ва унинг таклифини ошириш усуллари асосида тартибга солинади.

**Таянч иборалари**: меҳнат бозори тартибга солиш; меҳнат шартномалари; жамоа меҳнат шартномаси; шахсий меҳнат шартномаси; иш кучига талабни ошиши; ишчи куч таклифини камайиши; ишчи кучига талабни камайиши; ишчи кучи таклифини ортиши;

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1.Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти нимада?

2.Жамоа ва шахсий меҳнат шартномларининг ўрни қандай?

3.Меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган ҳудудларда меҳнат бозори қандай усуллар асосида тартибга солинади?

### Адабиётлар

1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида - Т.: Ўзбекистон, 1995

2.Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси - Т.: Адолат, 1996

3.Конвенции и рекомендации, принятие Международной конфедерацей труда за 1957-1990гг. Женева.: Международное бюро труда, 1991

## 4 - Мавзу. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ОҚИЛОНА БАНДЛИГИ

**4.1.Аҳолини иш билан оқилона бандлиги ва унга меҳнат бозорини таъсири.**

**4.2.Аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш меъзонлари ва кўрсаткичлари.**

### 4.1. Аҳолини иш билан оқилона бандлиги ва унга меҳнат бозорини таъсири.

Иқтисодий адабиётларда "оқилона бандлик" тушунчаси ҳақида турли хил нуқтаи назарлар мавжуд. Рус иқтисодчи олими А.Б.Наумовнинг фикрича "оқилона бандлик" тушунчаси самарали тўлиқ бандлик билан синоним бўлади. Умумий кўринишда тўлиқ бандлик ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш жойларига талабини бутунлай қаноатлантирганлигини билдиради. Агар аҳолининг ишчи жойларига талаби тўла қаноатлантирилса ва ишчи кучидан энг катта самара билан фойдаланилса, унда аҳоли бандлиги оқилона бўлади.[9, 18б.] Украин иқтисодчиси В.Ф.*Онишенко ҳам худди шундай нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаб,* таъкидлайдики, "оқилона бандлик ... тўлиқ ва самарали бандликнинг бирлашмасидир ... Оқилона бандлик ўз ичига қуйидагиларни олади: 1) аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатга эҳтиёжини тўлиқ қаноатлантириш; 2) ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни самарали мувофиқлаштириш; 3) ижтимоий меҳнат унумдорлигининг энг катта имкондаги даражаси ва унинг самарадорлиги; 4) ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг маълум даражасида аҳолининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини имкони борича тўлиқроқ қаноатлантириш" [14б., 17-18б.].

Меҳнат бозорининг ривожланиш шароитларида бу олимларнинг оқилона бандлик - меҳнатга қобилиятли аҳолининг доимий иш жойларига талабини тўлиқ қондиради, деган фикрларига қўшилиш қийин. Меҳнат бозори ёппасига бандликни таъминламайди ва рақобат асосида сони ўзгариб турган "доимий" ишчи жойларини кафолатламайди.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табиий) даражаси вужудга келади [3, 11б.].

Бундай мувозанат иш берувчилар ва «меҳнат қобилияти» кишиларининг иқтисодий манфаатларини энг мукобил даражада амалга оширилишини таъминлайди. Бунда ишчи кучига касб-малакали тайёргарлиги бўйича мос нархлар белгиланади. Худди шулар туфайли аҳолининг оқилона бандлиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ишчи кучининг қиймати асосида меҳнат қилиш қобилиятини бозорда сотиш учун таклиф қилинганларининг турмуш даражаси шаклланиши ҳам таъминланади.

Юқорида таклиф этилган тушунча нуқтаи назаридан қараганда республикамизда аҳолининг бандлигини шакллантиришга ҳали тўла эришилга-

ни йўқ. *Бунга қуйидаги сабаблар асосий тўсиқ* бўлмоқда: давлат мулкини хусусийлаштиришнинг самарадорлигининг паст даражаси; иқтисодиётда тубдан таркибий ислоҳатларни ва ишловчиларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида озод бўлишининг секинлиги; меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши; иш жойларининг паст сифатли моддий - техник жиҳозлар билан таъминланиши: меҳнатга қобилиятли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар фаолиятининг етарлича рағбатлантирилмаганлиги; ишчи кучи таклифини унга бўлган талабга нисбатан кўпроқ ўсаётганлиги; бўш иш жойлари ҳақида ишончли ахборотларнинг камлиги ва меҳнат бозорининг самарали тартибга солиш механизмини такомиллашмаганлиги. Улар ичида давлат мулкини хусусийлаштириш ва халқ хўжалиги тармоқларини таркибий ислоҳат қилиш етакчи ўринни эгаллайди.

Вакант (бўш) лавозимлари ва иш жойларини мавжудлиги ҳақида ишончли ахборотларнинг камчилиги - банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришни қийинлаштиради. Статистика идоралари фақат саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш объектларидаги иш жойларининг миқдори ва тузилиши бўйича ахборотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш билан шуғулланади. Аммо синалган методиканинг йўқлиги туфайли қишлоқ хўжалиги иш жойларининг сони ҳақидаги ахборотларни йиғиш амалга оширилмайди.

Буларнинг барчаси ва МБда муносабатларни тартибга солишнинг *самарали механизми мавжуд эмаслиги - аҳолининг оқилона бандлигини* шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Мавжуд механизм эса оқилона бандлик шаклланишининг асосий шарт-шароитларини тўлиқ ҳисобга олмайди. Такомиллаштирилган янги механизм эса қуйидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим: ишчи кучига талабнинг ошиши ва унга таклифнинг камайиши; ёлланма иш кучига меҳнат ҳақини (нархини) энг паст миқдорини аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш; меҳнатга қобилиятли ўсмирлар, пенсионерлар, кўп болалик аёллар ва ногиронлар бандлигини оширишни рағбатлантириш; ишчиларнинг малакаси, рақобат қобилияти ва экспортабеллигини ошириш; бандлик хизмати инфраструктурасининг самарали ривожланишини таъминлаш ва бошқалар.

Аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришда муҳим бир шарт аёллар ишдан бўшатиш учун биринчи номзодлардир. Бизнинг ҳисобларга қараганда 1994-1999 йиллар давомида иш жойларини йўқотганлар ичида 60%ни аёллар ташкил қилган. Шундай вазият вужудга келмоқдаки, унда аёл биринчи ишдан бўшатилувчилар сафида, аммо бўш жойга эса биринчи номзод эмас.

Бозор муносабатларига ўтишда аёл ишсизлигининг ўсиши кўпгина сабаблар билан изоҳланади, аммо улардан энг муҳимлари, биринчидан-аёл меҳнатини қўллаш учун иш жойларининг етишмаслиги; иккинчидан-қишлоқ хўжалиги ишларида қўл меҳнати салмоғининг юқорилиги; учинчидан ёлланувчиларнинг малакаси даражаси ва сафарбарлигининг пастлиги, бу

қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган меҳнат билан бандликни мураккаблаштиради. Шунинг учун Мбидан аёл ишчи кучига талаб эркаклага қараганда анча кам.

Республикамизда аёллар бандлигини оширишга йўналтирилган комплекс тадбирларни ўтказиш лозим. У ўз ичига кўп болали ва ёш қизлар учун янги иш жойларини яратиш, аёлларни болага қараш даридан кейин касбий мослаштириш ва ишлаб чиқаришга қайтариш, болали бор аёллар малакасини ошириш учун махсус курслар ташкил қилиш, аёл меҳнати шароитини яхшилаш учун сармоялар жалб қилишни рағбатлантириш каби тадбирларни қамраб олиши керак.

## 4.2. Аҳолини оқилона бандлигини таъминлаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

Оқилона бандликни шакллантиришнинг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; қишлоқ хўжалиги бўлмаган иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайтириш ва бошқалар.

Мазкур мезонлар қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; бажарилган иш вақтининг миқдори; аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг ҳажми; маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони; аҳолининг миграцион оқими; меҳнатни фонд ва энергия билан қуролланиши; ижтимоий инфраструктура хизматларининг ҳажми; ҳар бир меҳнатга лаёқатли аҳоли ер юкламаси; ўртача йиллик иш ҳақи; ҳар бир аҳолини уй-жой билан таъминланиши; меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси; саноат корхоналаридаги асосий фондлардан фойдаланишнинг сменалик коэффициенти; ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар ва ишсизлик сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори; меҳнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфраструктура хизматларидан қаноатланиш даражаси; мулкчиликнинг турли хил шакллари ва меҳнатни ташкил қилишнинг самарадорлиги ва ҳ.к.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишли мақсадли комплекс дастурини ва эконометрик моделлари ҳамда комплекс таҳлили ва истиқболини белгилашнинг методологик асосларини яратишда ва уларни тадбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

### Қисқача хулосалар

1. Аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатга эришишни билдиради ва у меҳнат бозори бевосита таъсирида бўлади.

**2.Шундай** қилиб ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришилган, аҳолининг оқилона бандлиги мулкчиликнинг турли шакллари ривожланган, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юзага келган, яшаш ва меҳнат қилиш жойлари эркин танланган, маҳаллий кадрлар сафарбарлигининг ҳар қандай маъмурий чекланишлари бекор қилинган, меҳнат ҳақи тўғрисидаги қонунларга мувофиқ иша жойлашиш кафолатлари мавжуд бўлган, энг кам иш ҳақи даражасини *минимал истеъмол бюджетига*ча оширишга муваффақ бўлинган ва меҳнат даромадларидан соликлар кескин қисқартирилган шароитлардагина аҳолининг оқилона банлигини таъминлашга эришилади.

### Таянч иборалар:

**Оқилона бандлик; таъминлаш** шарт-шароитлари; банлик тадбирлари; **йўналишлари; мезонлари; кўрсаткичлари;**

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

**1.Аҳолининг иш билан** оқилона бандлиги нимани англатади?

**2.Аҳолининг оқилона банлиги** билан меҳнат бозори ўртасида қандай **алоқадорлик бор?**

**3.Оқилона бандликка эришиш учун қандай тадбирлари** амалга оширили **зарнор?**

**4.Қандай мезонлар ва кўрсаткичлар** асосида **аҳолининг иш билан оқилона бандлиги** ҳолатини ифодалаш мумкин?

### Адабиётлар

1.Наумов А.Б. Некоторие проблеми формирования рациональной занятости населения // Механизм обеспечения рациональной занятости и совершенствования распредителних отношений. - М.: ИЭ П НТП, 1992, с.10-20

2.Онищенко В.Ф. Рациональная занятость: метадология регионалних исследований - Киег : Наукова Думка, 1989.

3.Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ аҳолисининг оқилона бандлиги - «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, 1993, №3-сонли.

# 5 - Мавзу. МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИНИНГ БАЛАНС УСЛУБИ

**5.1.Меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини таҳлил қилишда баланс услубини аҳамияти.**

**5.2.Меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқиш асослари.**

## 5.1.Меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини таҳлил қилишда баланс услубини аҳамияти.

Баланс услубининг асосий вазифалари - меҳнат ресурсларининг бандлик ҳолатига, аҳолининг табиий ва механик ҳаракатларини ўзгаришларига, меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигининг сони ва тузилишига, буюмлашган ва жонли меҳнатнинг сарфланишини тақсимлаш ва фойдаланиш даражасига, иш жойларининг миқдори ва тузилишига, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигига, ходимларнинг касб-малака таркиби шаклланишини манбалари ва кўламларига, меҳнат унумдорлигини ошишини имкониятларига таъсир қилувчи омилларни ҳар тарафлама ҳисобга олиш ва комплекс таҳлил қилишдан иборатдир. Ушбу услуб қуйидаги ўзаро боғлиқ тизимлардан ташкил топади: меҳнат ресурслари баланси, меҳнат ресурсларининг ҳаракати ва меҳнат сарфларининг тармоқлараро балансларн ишчи кучи бўйича баланс ҳисоб-китоблари ҳамда иш жойлари ва меҳнат ресурсларининг йиғма баланслари.

Меҳнат ресурслари бандлигининг комплекс таҳлилини баланс воситалари орасида етакчи ўринни тармоқлараро баланс (ТАБ) эгаллайди [2,3,5,6].

**Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланс (ТАБ)ини ишлаб чиқиш - ҳудуд иқтисодиётининг барча секторларидаги ҳисобот ва истиқбол даврларда тўғри ва тўлиқ меҳнат сарфланишининг коэффициентлари ёрдамида худди шундай бандлик коэффициентларини топишга имкон беради. Бу баланс ишчи кучига талабни вужудга келишини, иш жойлари билан меҳнат ресурслари ўртасидаги рационал нисбатларни, ишчи кучига талабнинг унинг таклифига мослигини, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини, уларнинг бандлик даражасига ва меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш истиқболларига таъсирини ҳамда меҳнат бозорининг эконометрик моделлари комплексини ахборотлар билан таъминлашни асослашни кучайтирди.**

Одатда ТАБ ни ишлаб чиқишда тармоқ ёндашиш услуби ва "харажатлар - ишлаб чиқариш" тамойили қўлланилади. унга мувофиқ ҳудуд халқ хўжалигининг ўзаро боғланган тармоқлари мажмуасидан иборат. Унинг асосида ҳудуддаги меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлиги секторлари тармоқларида меҳнат сарфларининг ТАБ чизмаси ишлаб чиқилади.

Халқ хўжалигидаги ўзаро боғланган тармоқларнинг энг тўлиқ ва аниқ таърифини функционал ёндашиш услуби асосида олиш мумкин. Унинг ху-

суснити чундан иборатки, бутун худуд ўзаро боғланган ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи қуйидаги секторлар мажмуасидан ташкил топган, деб қараш мумкин: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат [4].

Функционал ёндашиш асосида меҳнат сарфлари ТАБ тузиш аниқлигини ошириш мақсадида Самарқанд вилояти қишлоқ худуди халқ хўжалиги тармоқлари ўзаро боғланган бешта ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи секторларига ажратилди: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари); қайта ишлаш саноати (гўшт-сут, мева-сабзавот ва виночилик, новвойчилик, ун-ёрмалар, озиқ-овқат, пахта тозалаш, маҳаллий (енгил) ва қурилиш материаллари саноати тармоқлари); хизмат (қишлоқ ва сув хўжалиги қурилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, автомобиль ва йўловчи транспорти, алоқа, қишлоқ хўжалиги техникасининг моддий-техник таъминоти ва унга хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, физкультура ва социал таъминот, бошқарув ва молия -кредит хизмати тармоқлари); шахсий меҳнат (деҳқон (фермер) ва шахсий - ёрдамчи хўжаликлар, шахсий меҳнат фаолияти).

Бундай ёндашиш худуд иқтисодиётининг барча секторлари моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг таҳлили ва истиқболини белгилашни яхшилайди. Шунинг учун худудда меҳнат сарфлари ТАБни ишлаб чиқишда функционал ёндашиш қўлланилади. У бандлик даражасини, иқтисодиётнинг барча секторлари ва тармоқларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, тақсимлаш ҳамда улар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тўғри аниқлайди. Унинг асосида худуддаги меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлиги секторлари тармоқларида меҳнат сарфларининг ТАБ чизмаси ишлаб чиқилди. У тўртта (I - IV) бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим олтита бўлимчаларни ўз ичига олади, улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида ва худуд таркибига кирмаган халқ хўжалигининг тармоқларидаги бандлик даражаси буюмлаштирилган меҳнат сарфлари кўрсаткичларини қўллаш ёрдамида изоҳланади. Баланснинг бу бўлимчалари горизонтал йўналишда буюмлаштирилган меҳнат сарфларини тармоқлараро ва секторлараро тақсимланишини, вертикал йўналиш бўйича уларнинг истеъмолини акс эттиради.

Иккинчи бўлим меҳнат кўринишидаги якуний маҳсулот таркибини, учинчиси эса - ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқаришда маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг жонли меҳнати сарфлари кўрсаткичлари асосида тўғри бандлик миқдорини ифодалайди. Тўртинчи бўлим ижтимоий инфраструктура тармоқларида бандлик даражаси ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни акс эттиради.

## 5.2. Меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқиш асослари.

Тармоқлараро балансни (ТАБ) тузишда халқ хўжалиги баланси кўрсаткичлари тизимидан Ўзбекистон Республикаси Давлат дастури бўйича миллий счетлар тизимига ўтишнинг биринчи босқичи вазифаларига асосланган кўп босқичли статистик, иқтисодий математик ва ташкилий ишларни бажариш зарур.

Биринчи босқичда кўриб чиқилаётган худуд меҳнат ресурслари бандлигининг комплекс таҳлили амалиётда ушбу балансни ишлаб чиқишнинг долзарблиги ва зарурлигига асосланади.

Иккинчи босқичда худуд маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг ТАБи тузилади. Бундай балансни ишлаб чиқиш жараёнида одатда танлаб олиш услуби қўлланилади. Унинг ёрдамида статистик ҳисоботнинг махсус формаларини жорий қилиш йўли билан ушбу худуднинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини репрезентатив объектларидаги моддий ресурсларидан фойдаланиш ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш амалга оширилади. Аммо, худудий даражада ҳар бир кичик ва ўрта корхона ЯИМ ишлаб чиқаришда сезиларли салмоққа эга бўлганлиги учун, бизнинг фикримизча, танлаб олиш услубидан эмас, балки яппи тадқиқот қилиш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бу эса ахборотларнинг ишончлилигини оширади.

Учинчи босқичда тўғри ($a^s_{ij}$) ва тўлиқ ($b^s_{ij}$) моддий харажатларнинг коэффициентлари аниқланади:

$$a^s_{ij} = X^s_{ij} / X^s_{ij} \qquad (1)$$

$$b^s_{ij} = B = (E-A)^{-1} \qquad (2)$$

Тўртинчи босқичда жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари мажмуаси бўлган ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентлари аниқланади.

Шунинг билан бирга тўлиқ меҳнат сарфлари кўрсаткичлари маҳаллий ҳисоб-китобларда ижтимоий зарур меҳнат сарфлари билан бир хил эмас ва қоидага кўра, турли хил мураккабликдаги меҳнатнинг аниқ турлари миқдорини намоён қилади. Улар таҳлил ва истиқболни белгилашнинг янги муҳим қуроли бўладилар. Тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларидан худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларини асослашда, меҳнат ресурслари бандлик ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда, асосий ва айланма маблағлар ҳамда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлилда, маҳсулотларни бир-бирларининг ўрнини босиш муаммоларини ҳал қилишда, нархларни такомиллаштириш ва инфляцияни пасайтиришда, иш жойлари билан меҳнат ресурслари ўртасидаги рационал мутаносибликни топишда фойдаланиш мумкин. Тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда С.С.Струмилин [3], Н.П.Федеренко, Н.А.Машинский [5], С.С.Шаталин [6], Л.Ф.Комина [1] каби машҳур иқтисодчи олимларнинг асарлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентини ҳисоблаш чиқиш муаммосини ҳал қилишда ТАБ усулидан фойдаланиш истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бу коэффициентларни ҳисоблаш учун маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг жонли меҳнат сарфлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш моддий ресурсларининг тўлиқ харажатлари коэффициентларини аниқлаш керак.

Жонли меҳнат сарфларининг коэффициентлари маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ишланган иш вақтлари ҳажми асосида аниқланади:

$$t^s_j = V^s_j / X^s_j, \qquad (3)$$

$$t^s_j = V^s_j / X^s_j, \qquad (4)$$

Жонли меҳнат сарфларини киши соатида аниқлаш ходимларни ишлаган иш вақтларини аниқ ифодалайди. Шунинг учун улардан тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда фойдаланилади:

$$T^s_j = \sum_{i=1}^{m} в^s_{ij} (t^s_j + t^s_j), \qquad (5)$$

Бу ерда; $b^s_j$ худуд таркибига кирмаган халқ хўжалиги тармоқларининг харажатларини бириктириб олувчи тўлиқ моддий харажатлар коэффициентларининг матрицаси.

Бешинчи босқичда тадқиқ қилинаётган худуднинг мах-сулот ишлаб чиқаришга жонли, буюмлаштирилган ва мажмуавий меҳнат сарфларини акс эттирувчи, меҳнат кўринишидаги ТАБ тузилади:

$$T^s_i X^s_{ij};\ T^s_i X^s_{ij};\ T^s_i Y^s_i;\ T^s_i X^s_i;\ T^s_j X^s_j;\ V^s_j V^s_j \qquad (6)$$

Олтинчи босқичда тузилган баланснинг мувофиқлаштирилганлиги, тенгликларни бажарилиши аниқланади. Агар мазкур шартлар бажарилса, баланс тузишнинг кейинги босқичига ўтилади, акс ҳолда ахборотларнинг ишончлилиги ва ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги текширилади.

Еттинчи босқичда худуднинг маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларини тўғри ($H^s_j$, $H^s_j$) ва тўлиқ ($H^s_j$) бандлиги коэффициентлари аниқланади;

$$H^s_j = V^s_j / O_j = (t_j / X^s_j) / O_j, \qquad (7)$$

$$H^s_j = V^s_j / O^s_j = (t_j / X^s_j) / O_j, \qquad (8)$$

бу ерда $O_j$ ва $O_j$ – Худудни маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларига мос келувчи иш вақти меъёрий фондларининг ҳажми. Улар қуйидагича аниқланадилар:

$$O^s_j = п^s_{нвj}\ N^s_j \qquad (9)$$

$$O^s_j = п^s_{нвj}\ N^s_j \qquad (10)$$

бу ерда $п^s_{нвj}$ ва $п^s_{нвj}$ – маҳаллий ва жалб қилинган ходимга мўлжалланган йиллик иш вақти меъёри;

$N^{*}_j$ ва $N^{*}_j$ — маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони.

Бу вақтда

$$H^{*}_j = T^{*}_j (K^{*}_j + K^{*}_j). \qquad (11)$$

Якуний босқичда ҳосил қилинган натижалар таҳлил қилинади, буюмлаштирилган ва жонли меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатни яхшилаш йўли билан ишчи кучи бандлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Меҳнат сарфларининг хисобот ТАБ ини тузишда таъкидлаб ўтилган босқичлар истиқбол балансига ҳам тегишлидир. Бундай турдаги балансни тузиш маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тақсимлашнинг истиқбол ТАБ ахборотлари ва тўғри меҳнат сарфларининг коэффициентлари ёрдамида амалга оширилади. Бу жараёнда меҳнат сарифларининг ҳисобот ТАБ маълумотларидан, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш бўйича нормалардан (меъёрлардан), худуд ривожланишининг макроиқтисодий ва демоцiал кўрсаткичларидан ва ишчи кучига талаб ва таклифнинг белгиланган истиқбол режаларидан кенг фойдаланилади.

## Қисқача хулосалар

1.Тармоқлараро баланс меҳнат бозоридаги ишчига талаб билан унинг таклифи ва иқтисодиёт секторлари ва тармоқларидаги ходимлар бандилиги ўртасидаги нисбатларни тўғри асослашга имкон беради.

2.Меҳнат сарфларининг ТАБ ўзаро узвий боғлиқ бўлган босқичлар асосида ишлаб чиқилади ва у баланс усулини такомиллаштиришга олиб келади.

Таянч иборалари: баланс услуби; меҳнат сарфлари; тўғри ва тўлиқ бандлик коэффицентлари; босқичлари; ҳисобот ва истиқбол тармоқлараро баланслари; ахборот матилари.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1.Меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини таҳлил қилишда ТАБ қандай аҳамиятга молик?

2.Меҳнат сарфларининг ТАБ нечта бўлимдан иборат ва улар қандай мазмунга эга?

3.Меҳнат сарфларининг ТАБ қандай босқичлар асосида ишлаб чиқилади?

4.Истиқбол ТАБни тузишда қайси бир ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин?

## Адабиётлар

1.Камина Л.Ф. Полные затраты труда - М.: Наука, 1992

2.Межотраслевой баланс экономического района. Методика составления - М.: Наука, 1967

3.Струмилин Г.С. Проблемы экономика труда - М.: Наука, 1982

4.Холмўминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда - Т.: Фан, 1996
5.Федоренко Н.П., Машинский Н.А. Проблемы трудоемкости. Планирование и экономико - математические методи - М.: Наука, 1964
6.Шаталин С.С. О соотношении темпов роста валового общественного продукта и национального дохода. Вопроси экономики - М.: 1996,№1

# 6-Мавзу. МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ИШЧИ КУЧИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ ИСТИҚБОЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

6.1. Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг аҳамияти.

6.2.Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг босқичлари (блоклари).

## 6.1. Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг аҳамияти.

Истиқболлаштириш асосини яқин келажакдаги ишчи кучига талаб ва таклифнинг ўзгаришини тадқиқ қилиш услублари мажмуаси ташкил қилади. У истиқболни белгилашнинг ўзаро боғлиқ қуйидаги блоклари ёрдамида татбиқ этилади: мақсадни шакллантириш, тадқиқ қилинаётган жараён вазифалари, асосий муаммолари ва мезонларини аниқлаш; ҳудуд ривожланишининг асосий макроиқтисодий ва демосоциал кўрсаткичларининг истиқболини қийматларини белгилаш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида аҳоли бандлигини истиқболлаштириш имкониятларини тадқиқ қилиш; хизмат кўрсатиш секторининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида аҳоли бандлиги ривожланиши истиқболларини белгилаш; қишлоқ ходимларини тайёрлаш ва қайтадан ўқитиш масалаларини ҳал қилиш; шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлар, якка шахсий меҳнат фаолияти каби шахсий меҳнат секторини жабҳаларида иш билан банд бўлганларнинг келажакдаги сонини аниқлаш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабни режалаштириш; шахсий меҳнат секторларида ишчи кучига талабни ва тадқиқ қилинаётган ҳудуд аҳолиси иш билан бандлигини барча секторларида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат ҳолатининг истиқболли кўрсаткичларини аниқлаш. Асосий блоклар мазмунини мукаммал кўриб чиқамиз.

## 6.2. Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг босқичлари (блоклари).

Биринчи блокда мақсадлар шаклланади, ишчи кучига талаб ва таклифнинг асосий вазифалари, энг муҳим муаммолари ва нормалари, ҳамда ҳудуд ривожланиши демосоциал ва макроиқтисодий кўрсаткичларининг истиқболдаги даражалари аниқланади. Бандликнинг истиқболини белгилашда баланс ва ёшлар ўзгариши услублари бўйича ҳисоб-китобдан ҳосил қилинадиган аҳолининг табиий ва механик ҳаракатлари ва бир ёшдан бошқасига ўтиши асосий демографик кўрсаткичлар бўлиб хизмат қилади.

Худуднинг иқтисодий-математик моделлар комплекси (айниқса эконометрик) ёрдамида аниқланадиган миллий даромади, ялпи ички махсулоти, меҳнат унумдорлиги, меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланганлиги, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, асосий фондлар ва ишчи кучидан фойдаланишнинг сменалик коэффициентлари, ернинг ишловчиларга тақсимланганлиги ва ижтимоий инфраструктура хизматлари билан таъминланганлиги каби бошқа макроиқтисодий ва ижтимоий аҳолини иш билан бандлиги истиқболининг ахборот базаси бўлади.

Иккинчи блокда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида аҳолининг иш билан бандлиги истиқболи имкониятлари аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда аҳолининг бандлиги истиқболини белгилашда бир неча хил ёндашиш баён қилинган [1,2,3,4,5]. Улар ичида энг кўп ёйилганига [5] мувофиқ халқ хўжалигида аҳоли бандлигининг истиқболи ишчи кучи таклифининг истиқболидан келиб чиқиши керак. Аммо у ривожланган истиқболи мулкчилик шакллари бўйича банд бўлганлар умумий сонини тақсимлашнинг истиқболда кўзда тутиш учун бошланғич нуқта бўлади. Ушбу истиқболлаштириш кўп омиллик моделлардан фойдаланишга асосланган услубларни қўллаш билан амалга оширилади. Кўп омиллик моделларни тузишнинг биринчи босқичи ўрганилаётган жараён таъсир этувчи омиллар танлаб олинади. Иккинчи босқич маълум кўпликдан асосий омилларни танлаб олиш ва уларнинг турлари ҳамда ўлчамларини аниқлашдан иборат бўлади. Корреляцион -регрессион таҳлил аппарати бу мақсадлар учун энг яроқли бўлади, унинг ёрдамида тадқиқ қилинаётган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилиши мумкин. Аммо корреляцион - регрессион таҳлил услубларининг камчилиги шундан иборатки, улар ўрганилаётган ходисани бир ёки бир неча омилларнинг бирдан рўй берадиган ўзгаришлари таъсирини етарлича аниқ акс эттирмайди. Мулкчиликнинг турли шаклларини пайдо бўлиши ва улар бўйича ахборотларни етишмаслиги қайд этилган услубларнинг имкониятларини янада камайтиради. Шунинг учун эвристик истиқболни белгилаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ кўринади. унинг мохияти экспертлардан ўрганилаётган ходисаларни истиқболидаги холатини аниқлашдан иборат бўлади.

Учинчи блокда хизмат кўрсатиш секторининг турли тармоқлари ва шаклларида аҳоли бандлиги ривожланишининг истиқболлари бўйича масалалар ҳал қилинади.

Аввал хизматга талабни таъминлаш учун зарур бўлган хизмат секторидаги бандликни баҳолаш керак. Бандлик миқдорини аниқлаш омилларини вужудга келтириш алоқалар тизилмаси ва хизмат кўрсатиш натижалари асосида ўтказилади. Хизмат кўрсатишнинг зарурий ҳажмини топиб, ҳамда ишлаб чиқариш фондлари кўпайишининг нисбатан ўсиш гипотезасини қабул қилиб олингандан сўнг, икки холат инобатга олиш лозим.

Биринчи ҳолда кадрларни тайёрлаш ҳажмлари ходимларнинг жинси, ёши таркибида келажакда бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олиш билан баҳоланади.

Бундай ахборот кадрларни тайёрлаш ва ўқитишнинг турли хил даражаларида ишдан озод этилган ходимлар сонини аниқлашга имкон беради.

Иккинчи ҳолда ходимларни тайёрлаш хажми эксперт баҳолари ва эконометрик тадқиқотлар ёрдамида аниқланади. Кадрлар тайёрлашнинг турли хил даражаларидаги ходимлар улушининг экперт баҳолари аниқ бир тармоққа керакли мутахассислар сонини, яъни ўқиётганлар сонини аниқлашга имкон беради. Эконометрик тадқиқотлар кадрлар тайёрлашнинг турли даражаларида ходимларнинг сонидаги илмий-техник тараққиёт ютуқларини қўллаш ва иқтисодий целоҳатларни ўтказиш шароитларидаги ўзгаришларни ишлаб чиқариш функцияси сифатида акс эттиради. Бу ҳолда турли хил даражадаги маълумот ва малакага эга мутахассисларга қўшимча талабни янада чуқурроқ аниқлаш ва шунинг билан кадрларни тайёрлаш тизимида ўқитиш ҳажмини аниқлаш мумкин.

Ходимларни ишлаб чиқаришда ажралган ҳолда қайта тайёрлаш кўламларини аниқлаш ушбу блокнинг муҳим таркибий қисми бўлиши керак, бу ғоятда мураккаб, чамаси, ишнинг биринчи босқичларида фақат эксперт баҳоларидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга худуднинг турли тармоқлари учун бундай жараёнлар кўламини миқдорий баҳолашга имкон берувчи омилларни аниқлаш учун модель тузиш лозим.

Тўртинчи блокда шахсий меҳнат секторида банд бўлганларнинг истиқболли сонини аниқлашга бағишланган, бу ерда ҳисоб-китоблар учун уч соҳа: якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шахсий ёрдамчи хўжалиги ва деҳқон (фермер) хўжалиги бўйича олиб борилади. Аҳоли бандлигининг бундай соҳаларда истиқболлантириш ғоят мураккаб ва турли туман.

Ҳаммадан аввал якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлганларнинг умумий сонида кўп болалик оилалар қанча миқдорни ташкил этишини аниқлаш муҳим. Унда бир ярим ёшгача болага қараш бўйича ҳақ тўланадиган таътилда бўлган барча ота-оналарни киритиш керак. Бу соҳадаги бандликка уч ва ундан ортиқ ёшдаги болалар тарбиялаш бўйича ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлган барча аёллар ҳам киради лар. Баъзи бир оилаларда аёллар хатто боласи бўлмаганда ҳам ишламайдилар. Бундай категориядаги аҳолини истиқболлантириш ғоят қийин. Иқтисодий ва демографик адабиётларда бу масала бўйича чуқур тадқиқотлар амалда йўқ. Истиқболлаштиришнинг бу масаласида эксперт баҳолашни қўллаш яхши самара беради.

Тўртинчи блокнинг таркибий қисми-аҳолининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликлардаги бандлиги истиқболини аниқлашдир.

Бешинчи блок қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати секторларининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабни истиқболлаштиришга бағишланган. У мавжуд ва янги яратилган иш жойлари ҳолатига таъсир этувчи бир гуруҳ омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади: меҳнатга рағбатлантирувчи омиллар $V = (v_1, \dots, v_n)$ (иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, окладдан ташқари даромад ва ҳоказо); меҳнатни ташкил қилиш ва иш тартибига боғлиқ омиллар $D = (d_1, \dots, d_m)$ (иш кунининг ўртача давомийлиги, таътил

нинг ўртача давомийлиги ва ҳоказо); маълум касб "рейтинги"ни таърифловчи омиллар — R = ($r_1$, ..., $r_g$); иш жойини яхшилашга таъсир этувчи ижтимоий омиллар — L = ($l_1$, ... , $l_z$) ижтимоий инфраструктура объектлари билан таъминлаш, саломатлик ва хавф-хатарни таърифловчи омиллар — O = ($o_1$, ... , $o_k$) (ишнинг хатарлилиги, касб касалликлари билан хасталаниш хавфи ва ҳоказо); иш жойлари сонининг ошишига таъсир этувчи омиллар — W = ($w_1$, ... , $w_k$) (меҳнатни фондлар билан таъминланишининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, кичик, хусусий ва қўшма сонининг камайиши); иш жой сонини камайишига таъсир этувчи омиллар - W = ($w_1$, ... , $w_л$) (ишлаб чиқаришнинг қисқариши, корхоналарни тугатилиши, илмий-техник тараққиёт ютуқларининг татбиқ этилиши ва ҳоказо); бошқа омиллар -E = ($e_1$, ... , $e_м$).

Қайд этилган омилларга мувофиқ иш жойларининг нуфузлилик индекси қуйидаги кўринишига эга деб тахмин қиламиз:

$$H = н(V, D, R, L, O, W, W, \ldots, E)$$

Бу блокда ҳам эконометрик тадқиқот ва эксперт баҳолашни қўллаш мумкин.

Олтинчи блокда бешинчи блок услубиёти асосида хизмат кўрсатиш секторининг турли тармоқларида ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талаб истиқболини белгилаш амалга оширилади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши мазкур секторда давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида янгидан ташкил қилинган кичик, хусусий ва қўшма корхоналар сони ортмоқда. Бундай ҳолда малакали ишчи кучига талаб ўсади ва янги иш жойлари сонини оширишга ҳақиқий имкониятлар яратилади. Истиқбол режалари тузилаётган бундай иш жойларининг нуфузлилик даражасини ҳисобга олиш зарур. У ишчи кучига талаб ва ундан фойдаланишнинг рақобат қобилияти даражасини маълум даражада шакллантиради.

Ишчи кучига талабни истиқболлаштиришда хизмат сектори объектларига қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришидан озод этилган ходимларнинг ўтиб ишлаши эҳтимолини ҳам инобатга олиш керак. Бу ерда эксперт баҳолаш энг қулай услуб ҳисобланади.

Еттинчи блок шахсий меҳнат секторида ишчи кучига талабни аниқлашга бағишланган.

Якка тартибдаги меҳнат фаолиятида ишчи кучига талабнинг истиқбол даражаси аввалambор оиладаги болалар сони, аёлларнинг ёш болаларни тарбиялаш бўйича таътил муддати мактабгача болалар муассасалари билан таъминланганлиги, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши каби ҳудуд тараққиётининг демосоциал ва иқтисодий кўрсаткичлари ўсиши ва кўламлари билан асосланади.

Шахсий - ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида ишчи кучига талабнинг истиқбол кўрсаткичлари кўпроқ қишлоқ хўжалиги тармоқлари маҳсулотларига эҳтиёжнинг даражаси ва ушбу тармоқлардаги мавжуд иқтисодий имкониятлар кўламига боғлиқ. Бу тармоқларда статистик ҳисоботни етарлича

олиб борилмаслиги истиқболлаштиришни мураккаблаштиради. Шунинг учун эксперт баҳолаш ва аниқ социологик тадқиқотлар воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Энг мураккаб ва амалда қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг якуний қисми - саккизинчи блокда олиб борилади. У ҳудуд иқтисодиёти барча секторларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талаб ва таклифининг нисбатини истиқболлаштиришга бағишланган.

Бу ерда кўп омилли таҳлил ёрдамида жонли меҳнатга талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатга эришишга бевосита таъсир этувчи омилларни танлаш зарур. Уларга қуйидагилар киради: иш жойлари миқдорининг ўзгариши, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари, меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланиши, меҳнат ресурсларининг сони, бандлиги, малакаси, сафарбарлигива рақобат қобилиятини ўзгариши ва бошқалар.

**Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатни аниқлаш - аҳоли бандлигини ишончли** ***истиқболлаштиришнинг якуний натижасидир.*** Бундай ҳисоб-китобларни фақат иқтисодий-математик услублар ва истиқбол моделларини тўғри ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ этиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

### Қисқача *хулосалар*

1.Юқорида қайд этилган фикрлар меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг ишончли истиқбол режасини тақдим этишга, ишчи кучи талаб ва таклифининг истиқболли ҳолатини аниқлашга ва улар ўртасидаги рационал нисбатларни белгилашга, кадрларни тайёрлаш миқдорини топишга олиб келади.

2.Истиқболлаштириш натижалари МБ фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини ахборотлар билан таъминлашни ҳам яхшилайди.

**Таянч иборалар**: истиқболлаштириш; босқичлар; блоклар; эксперт баҳолаш; *эконометрик моделлар*; регрессион-корреляцион таҳлил; социологик тадқиқотлар.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1.Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг аҳамияти нимада?

2.*Ишчи кучига талаб ва таклиф* қандай блоклар асосида истиқболлаштирилади?

3.Иқтисодиётнинг секторлари бўйича ходимларни иш билан бандлиги қандай истиқболлаштирилади?

4.Истиқболни белгилашда қандай моделлар ва усуллардан фойдаланиш мумкин?

## Адабиётлар


1.Мурядян Н.Г. Рынок и занятость: социально - экономический анализ и прогноз - М.:Луч, 1991

2.Онищенко В.Ф. Рациональная занятость: метадалогия региональних иселедований - Киев: Наукова Думка, 1980

3.Чингаруали Г.Б. Экономико - математические методи для изучения занятости и использования рабочей силы - Тбилиси: ТНУ,1981

4.Холмуминов Ш.Р. Прогнизарования занатости трудоспособного населения // Экономика и статистика, 1997, №7

5.Шоленко М. Опыт прогнозирования занятости населения и рынка труда в переходний период: утраченние илюзи и перспективи // Экономика Украини - Киев.: 1992, №3

# 7 - Мавзу. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ МАҚСАДЛИ КОМПЛЕКС ДАСТУРИ

7.1. Меҳнат бозорининг мақсадли комплекс дастурини аҳамияти.
7.2. Мақсадли комплекс дастурининг тузилиши ва уни ишлаб чиқиш босқичлари.

## 7.1. Меҳнат бозорининг мақсадли комплекс дастурини аҳамияти.

**Мазкур дастур қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида жонли меҳнат ва иш жойларига ўсиб бораётган талабларни қаноатлантириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш, ишсизликни камайтириш, юқори малакали касбга эга ходимларни шакллантириш, бандликнинг инфраструктураси объектларини самарали ривожлантириш, банд бўлмаган шахсларнинг ишончли ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, дастурни амалга оширишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш каби қисқа ва узоқ муддатли тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради. Ушбу дастур бандликнинг давлат сиёсати, инфляция ва ишсизлик, бандлик ва инвестициялар, иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги макроиқтисодий нисбатлар билан узвий боғланган ҳолда ишлаб чиқилади.**

– **Ушбу дастурнинг барча бўлимлари ва тадбирларини ишлаб чиқишда қуйидаги асосий тамойилларга** *асосланади:* **мақсадга йўналтирилганлик; боғланганлик; аниқлик; кўп вариантлик; ҳақиқийлик; рационаллик; устуворлик; чекланганлик; муддатлилик; эгасига мўлжалланганлик; бошқарувчанлик [1,2].**

## 7.2. Мақсадли комплекс дастурнинг тузилиши ва уни ишлаб чиқиш босқичлари.

**Меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастури таҳлиллар ва муаммолар, мақсадлар, илмий услублар, ахборотлар, моделлар ва ҳисоблаш техникаси, дастурлар, ресурслар, йиғма, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлар каби ўзаро боғлиқ бўлимлардан иборат [3].**

Биринчи бўлим таҳлиллар ва муаммолар деб ном олган иккита бўлимчалардан ташкил топади. Таҳлиллар бўлимда МБ нинг ҳозирги вазиятдаги фаолиятига, ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда ишсизликнинг кўрсаткичлари динамикасига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг худудни иқтисодий, ижтимоий ва демографик ривожланишининг турли жиҳатлари билан алоқаларига миқдорий баҳо берилади. МБ идаги вазият, аввало ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати ва уни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш, саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқлардаги ўзгаришлари билан ифодаланади. Дастурни ишлаб чиқишда меҳнатга қобилиятли иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган (ишсиз) аҳолининг

гайтириш; 0.1.2.3.7 - озод бўлган қишлоқ хўжалиги ходимларини ишчи кучи етишмайдиган худудларга кўчишига кўмаклашиш ва рағбатлантириш.

Тўртинчи даражали мақсад - ишсизликни кескин камайтириш: 0.1.2.3.4.1- қишлоқ хўжалиги махсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашнинг мавсумий даврларида вақтинчалик иш жойларини таклим этиш; 0.1.2.3.4.2 - қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш; 0.1.2.3.4.3 - кафолатлантирилган (квоталантирилган) янги иш жойларини яратишга хамкорлик қилиш; 0.1.2.3.4.4 - банд бўлмаган аҳолини ўзини - ўзи банд қилишларига хамкорлик қилиш ва рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.5 - ижтимоий ишларни ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.6 - банд бўлмаганларнинг касб-малака даражаси билан иш жойлари тузилишини мувофиқлаштириш; 0.1.2.3.4.7 - қўшимча иш жойларини яратувчи хусусий тадбиркорларни рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.8 - банд бўлмаган кишиларни ишчи кучи етишмайдиган туманларга вақтинчалик кўчишига хамкорлик қилиш ва рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.9 - банд бўлмаган ишчи кучи экспортини ташкил қилиш ва рағбатлантириш.

Бешинчи даражали мақсад МБ фаолиятини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий ва хуқуқий механизмлари самарадорлигини оширишни таъминлаш: 0.1.2.3.4.5.1 - банд бўлмаган аҳоли учун янги иш жойларини яратиш бўйича давлат, маҳаллий ва хорижий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 0.1.2.3.4.5.2 - нодавлат тизимлари учун ишга қабул қилишга квоталарни ва иқтисодий рағбатлантиришнинг тегишли тадбирларини белгилаш; 0.1.2.3.4.5.3 - деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил қилиш ва кичик, ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар бериш; 0.1.2.3.4.5.4 - ишсизлар учун янги иш жойларини ташкил қилувчи хорижий тадбиркорларни асосий солиқлардан озод қилиш; 0.1.2.3.4.5.5 - ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича хар қандай маъмурий чеклашларни бекор қилиш; 0.1.2.3.4.5.6- ишсизлик нафақасини ошириш; 0.1.2.3.4.5.7 - мавсумий жамоа ишларини ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.8 - доимий жамоа ишларини (ободончилик, иқтисодий ишлар, ижтимоий ҳимоя ва ҳоказо) ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.9 - ишсизларни қайтадан ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.10 - ишчи кучига талаб, унинг таклифи ва нархи ҳақидаги маълумотларнинг статистик, кадрлар маркетинги ва социологик банкини яратиш; 0.1.2.3.4.5.11 - ёлланма ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги бозор муносабатларининг хуқуқий асосларини яхшилаш.

Мақсадларнинг мазмуни худуддаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазиятларга мувофиқ ўзгаради.

Дастурни ишлаб чиқишда - ахборотлар билан таъминлаш бўлими муҳим аҳамиятга эга. У статистик ҳисоботнинг амалдаги формаларини ва МБ ни шакллаш ва ривожланиши асосий компонентларини ўрганиш бўйича кадрлар маркетинги ва аниқ социологик тадқиқотларнинг маълумотлари асосида шаклланади.

миқдори ва сифати таснифлари, ҳамда бандликка кўмаклашиш жамғармаси шаклланишида иштирок этувчи молиявий ресурслар, корхона ва ташкилотларнинг даромадлари, ходимлар иш ҳақининг даражаси муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчи бўлимида ҳудудий МБ фаолияти бўйича тадбирлар ишлаб чиқишда вужудга келадиган асосий муҳим муаммолар аниқланади. Уларга қуйидагилар киради: саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг ошиши; ходимларнинг қишлоқ хўжалигидан озод бўлишларини таъминлашнинг; ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги ўсиб борувчи номуносиблигининг қисқариши; миллий кадрлар малакаси ва рақобат қобилиятининг ошиши; ишсизликнинг йўл қўйиладиган (табиий) даражагача камайтилиши; ишчи кучини ёллаш бўйича бозор муносабатларини тартибга солишда иқтисодий ва ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва бошқалар.

Дастур таркибида МБ фаолиятининг "мақсадлар дарахти" асосида шаклланган мақсадлар бўлими етакчи ўрин эгаллайди. Дастурдаги мақсадлар уларни амалга оширишнинг устиворлиги ва уларга эришиш учун зарур бўлган ресурслар ва воситаларнинг мавзусига қараб, кетма-кетлик тартибида жойлашган бўлади.

Асосий мақсад (О)-аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш.

Биринчи даражалик мақсад-меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш: 0.1.1.-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги экинларнинг мавжуд таркибини ўзгартириш ва интенсив технологияларни қўллаш йўли билан меҳнат қилиш минтақасини қисқартириш; 0.1.2-саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида маҳаллий ва хорижий инвестициялар ҳисобга янги иш жойларини яратиш; 0.1.3-иш жойлари билан меҳнат ресурслари ўртасидаги рационал нисбатларга эришиш.

Иккинчи даражали мақсад - ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш; 0.1.2.1 - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ишчи кучига талабни камайтириш; 0.1.2.2 - саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида ишчи кучига талабни ошириш; 0.1.2.3 -қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ишчи кучи таклифини камайтириш; 0.1.2.4 - саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларига ишчи кучи таклифини ошириш; 0.1.2.5 - ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг шахсий ва касб-малака даражаси ва рақобат қобилиятларини ошириш.

Учинчи даражали мақсад - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш:

0.1.2.3.1 - меҳнат унумдорлигини ошириш; 0.1.2.3.2 - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; 0.1.2.3.3 - интенсив технологияни қўллаш; 0.1.2.3.4. - мулкчиликнинг ижара, қўшма ва хусусий шаклларини самарали татбиқ этиш; 0.1.2.3.5 - ушбу тармоқ ичида таркибий ўзгаришларни таъминлаш; 0.1.2.3.6 - мазкур тармоқдан озод қилинган ходимларни иш билан таъминлаш учун саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида меҳнатни қўллаш минтақаларини кен-

Мазкур бўлимда товарлар, қимматбаҳо қоғозлар ва илмий ишланмалар бозорлари, тадқиқ қилинаётган ҳудуд ривожланишининг демографик, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида ахборотлар ҳам бўлади.

Дастурнинг моделлар ва ҳисоблаш техникаси таъминоти бўлими МБ шаклланиши ва ривожланишининг таҳлили ва истиқболини белгилашда ҳамда рационал параметрларини аниқлашда қўлланиладиган эконометрик моделлар, баланс услублари, амалий ва программалар пакети, ҳисоблаш техникаси ва бошқа воситалар мажмуасидан иборат бўлади. Бўлим негизини ташкил қилувчи эконометрик моделлар комплекси 8-мавзуда батафсил ифода этилган.

Дастурлар таъминоти бўлими ўз ичига турли тадбирларни, уларни бажарувчи масъул шахсларни ва бажариш муддатларини кўрсатган ўзаро боғланган аниқ дастурчалар мажмуасидан иборат бўлади. Улар МБ фаолиятининг "мақсадлар дарахти" асосида тузилади. Ҳар бир дастур ўзаро боғланган бир неча бўлимлардан ташкил топади.

Ресурслар таъминоти бўлими дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник ва молиявий ресурсларни ва уларни ҳосил қилиш манбаларини акс эттиради.

Унинг молиявий маблағлари (М) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича сарифланиши кўзда тутилади: ишсизларга нафақа бериш (Н); жамоа ишларини ташкил қилиш(Ж); қисман ёки тўлиқ бўлмаган бандликка кўмаклашиш (Б); пенсияга муддатдан эртароқ чиқишга ёрдам бериш (П); ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитиш (Ў); янги иш жойларини яратиш (И); ишсизларни ўзини-ўзи банд қилишига тадбиркорларнинг кўмаклашиши (Т); миграция (М); компьютер техникаси (К), амалий программалар пакетлари (П), методик йўриқномалари (Й), харид қилиш ва бошқа йўналишлари (Б).

Бу ҳолда кераклн молиявий маблағлари ҳажми қуйидаги тартибда аниқланади.

$$М=a_1Н+a_2Ж+a_3Б+a_4П+a_5У+a_6И+a_7Т+a_8М+a_9К+a_{10}П+a_{11}Й+a_{12}Б,$$

бу ерда $a_n$- тузатиш киритувчи коэффицентлар (n=1,12)

Дастурни маблағлар билан таъминловчи ҳудуднинг молиявий ресурслари (МР) қуйидаги манбалар асосида шаклланади: бандликка кўмаклашиш жамғармасининг маблағлари (БЖ); вилоятлар ва туманлар бюджетларининг тушумлари (МБ)бевосита бандлик жамғармаси тушумларининг маблағлари (вилоят, қишлоқ туманлари)(ТТ); корхона ва фирмаларнинг жалб этилган маблағлари (КФМ); шахсий молиявий - тижорат фаолиятидан (ШМ), лотерея-заёмлари (ЛЗ), кредитлар (К), хайриялар (Х) ва бошқа маблағлардан (БМ) тушумлар.

Молиявий ресурсларнинг барча хажми қуйидаги тартибда аниқланади:

$$МР=БЖ+МБ+ТТ+КФМ+ШМ+ЛЗ+К+Х+БМ.$$

Сводный (йиғма) бўлимда МБ нинг тахмин қилинадиган ҳолати, дастур тадбирлари амалга оширилгандан кейин аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик даражасини таърифловчи якуний кўрсаткичлар

(натижалар) мавжуд бўлади. Уларга қуйидагилар киради: меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳоли сони; ишчи кучига талаб, таклиф ва *баҳо (меҳнат ҳақи)*; янги яратилган иш жойлари миқдори; янга (доимий ва вақтинчалик) жойлашган шахслар; малакасини оширяётган ишчилар сони; ишсизлар сони, жумладан нафақа олувчилар; ихтиёрий банд бўлмаган шахслар сони; ишчи кучини экспорт қилишнинг ҳажми ва бошқалар.

**Дастурни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий бошқарув механизми бўлими** ўз ичига қуйидагиларни олади: биринчидан, дастурни бошқаришнинг турли даражадаги идоралар тизимини; иккинчидан, иқтисодий нормативларни такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар мажмуасини; учинчидан, муаммоларни ҳал қилишга ажратилган ресурсларни тақсимлашни ва бошқаришнинг услублари ҳамда шаклларини; тўртинчидан, дастурий топшириқларни амалга ошириш устидан назорат қилишнинг шакллари ва услубларини.

**Дастурнинг ҳуқуқий таъминот бўлими** меҳнат бозори фаолиятини тартибга солишга мўлжалланган юридик ва норматив ҳужжатлардан иборат бўлади ("Аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида"ги қонун, Меҳнат Кодекси ва бошқалар).

**Дастурни ишлаб чиқиш ва бошқаришни ташкил қилишнинг асосий босқичлари** бўлимларининг кетма-кетлик билан жойлашишига асосланади: мақсадлар ва асосий вазифаларни аниқлаш; таҳлил ва истиқболлаштиришнинг методик ва модел аппаратларини ишлаб чиқиш; статистик, маркетинг ва социологик ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш; дастурчилар мажмуасини тузиш; дастурга аниқлик киритиш ва тасдиқлаш; дастурни амалга ошириш бўйича бошқарувчининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини яратиш.

Мазкур дастур самарадорлигини харажатлар билан натижаларни таққослашнинг классик йўли орқали баҳолаш мумкин эмас. Уни амалга оширишш самарасини ишчи кучига талаб ва таклиф орасидаги фарқни камайтириш ва аҳолини иш билан бандлик даражасини ошишига қараб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

### Қисқача хулосалар

1.Ушбу дастур меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни, ишсизликни камайтириш, юқори малакали касбга эга ходимларни шакллантириш, банд бўлмаган шахсларнинг ишончли ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш каби қисқа ва узоқ муддатли тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради.

2.Мазкур дастур бир-бири билан ўзаро боғланган бўлимлардан иборат бўлиб, унда «мақсадлар дарахти»ни ифодаловчи бўлим етакчи ҳисобланади.

### *Таянч иборалар:*

Мақсадли комплекс дастур; бўлимлар; тамойиллар; таҳлил ва муаммолар; мақсадлар; ахборотлар таъминоти; моделлар таъминоти; дастурлар таъминоти; йиғма кўрсаткичлар; [illegible] босқичлари.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1.Меҳнат бозорининг мақсадли комплекс дастури қандай аҳамиятига эга?

2.Дастур тузишнинг қандай тамойиллари бор?

3.Мақсадли комплекс дастур қандай бўлимлардан ташкил топган?

4.Ушбу дастур қандай босқичлар асосида ишлаб чиқилади?

## Адабиётлар

1.Заславкая Т.И., Ривкина Р.В. Методологические проблемы системного изучение деревний -Новосибирск.: Наука, 1977

2.Програмно - целевое управление воспроизводством трудових ресурсов // Отв.ред В.В. Оникиенко и.др.-Киев: Науков. Думка, 1983

3.Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда-Т.: Фан, 1996

# 8-Мавзу. МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

**8.1. Меҳнат бозорини эконометрик моделлаштиришнинг моҳияти.**
**8.2. Эконометрик моделлаштириш босқичлари ва моделлари.**

## 8.1. Меҳнат бозорини эконометрик моделлаштиришнинг моҳияти.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида юзага келаётган мураккаб ижтимоий-иқтисодий муносабатларни миқдор жиҳатдан ўрганишда иқтисодий кибернетикани ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада эконометрик моделлаштириш самарали ҳисобланади [1,2,3,4].

Режалаштирилган иқтисодий шароитда эконометрик моделларни қўллаш чекланган эди. Унга тор мазмунда иқтисодий жараёнларнинг сабаб-оқибатларини ўрганувчи «математик статистика ва эҳтимоллар назарияси» фанининг бир бўлаги сифатида қаралардн. Совет олимлари эконометрик услубларни макроиқтисодий моделлаштириш, ишлаб чиқариш функциялари, тармоқлараро балянслар, статистика каби фанлар соҳаларида қўллаб келдилар. Уларнинг баъзилари эса эконометрикани режали иқтисодиётга қўлланилишини назарда тутиб, уни (планометрия), деб аталишини таклиф этдилар [4,319б].

Эконометрика бозор иқтисодиёти назариясини ривожига муҳим ҳисса қўшди. Унинг услублари ва моделлари талаб ва таклиф, истеъмол, иқтисодий ўсиш, умумий ва хусусий барқарорлик каби бозор иқтисодий назариясининг фундаментал категорияларини асослашда салмоқли ўрин тутди.

Ҳозиргача «эконометрика» тушунчасини талқин этишда ягона фикр мавжуд эмас. Бу борада проф.А.А.Ривкин америкалн машҳур олим Д.Жонсоннинг «Эконометрик услублари» китобига сўз боши ёзганда қуйидаги фикрни баён этади: «Айрим муаллифлар эконометрияни иқтисодий-математик йўналишдаги барча ишлар йиғиндиси, баъзилари амалий статистиканн мазмунан бойитиш манбаи, бошқалари эса математик статистикада ишлаб чиқилган услубларга асосланган ишлар деб таърифлашади» [3,6б].

Катта совет энциклопедиясида «эконометрика» кенг мазмунда талқин этилиб, у воқеаларни назарий моделлаштириш дейилади. Тор мазмунда эса у аниқ иқтисодий қонуниятларини, категорияларни, жараёнларни ва объектларни миқдор жиҳатдан математик ва статистик услублар ва моделлар ёрдамида ўрганувчи фан деб тушунилади. Эконометриканинг тор мазмундаги тушунчасини «Қисқача иқтисодий-математик лугатлар» китобида ҳам юқоридаги фикрга ўхшаш талқин этилади. [4, 307б]. Бу фикрларга асосан, «эконометрика»нинг тор мазмундаги тушунчасига нисбатан кўп қўлланиладиган деган хулосага келиш мумкин.

Бу хулоса асосан агарда «эконометрикага» сўзи «иқтисодиётнинг баҳолаш» деб ўзгартирилса, унда бу тушунчадан қуйидаги тушунча келиб чиқади. Эконометрика - иқтисодий жараёнлари ва воқеаларни миқдорий баҳолашдир. Бу тушунча бўйича барча иқтисодий-математик моделлар эконометрикага таалуқли бўлади.

Юқорида қайд этилган барча фикрлар меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг комплекс эконометрик моделлаштиришда асос бўла олади.

**Меҳнат бозори - комплекс эконометрик моделлаштиришнинг янги объекти.** Унда иш билан *банд ва банд бўлмаган аҳолининг* **"меҳнатга қобилиятларини"** шартномалар асосида сотиш-сотиб олиш жараёнига кўп омиллар ва шароитлар таъсир кўрсатади. Меҳнат бозори (МБ) шаклланиши ва ривожланишининг айрим компонентларини математик изоҳлаш - эконометрик моделлар иипончлигини оширишга олиб келавермайди. МБ нинг фаолияти *талаб, таклиф, баҳо, рақобат каби ишчи кучини ёллаш воситаларига* боғлиқгина бўлиб қолмасдан, балки, ҳудуднинг иқтисодий, демографик ва ижтимоий салоҳиятлари ҳолати билан ҳам белгиланади.

Шунингдек, унинг самарали фаолиятида эконометрик моделлар комплекс ёрдамида аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш ва ишсизликни *камайтириш бўйича аниқланган чора-тадбирлар* ҳам муҳим ўрин тутади.

МБ шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва шароитларни миқдорий баҳолаш комплекс эконометрик моделлаштиришни қўллашни тақозо этади. Бу жараён эса босқичма-босқич олиб борилади.

## 8.2. Эконометрик моделлаштиришнинг босқичлари ва унинг моделлари.

**Биринчи босқичда** МБ фаолиятининг "мақсадлар дарахти" ёрдамида эконометрик тадқиқотнинг бош мақсади ва ҳал қилиниши лозим бўлган **муҳим вазифалар** аниқланади. Комплекс эконометрик моделлаштиришни бош мақсади - МБ шаклланиши ва ривожланиши шароитида аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш бўйича рационал параметрлар ишлаб чиқишдир.

**Муҳим вазифалари** эса қуйидагилардан иборат: ишчи кучи таклифи *шаклланишининг* демосоциал манбаларини ўрганиш (Э1); ишчи кучи таклифининг миқёсини баҳолаш (02); ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш (03); ишчи кучига талаб ҳажмини топиш (04); ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини ўрганиш (05); аҳоли оқилона бандлигининг миқдори ва тузилишини аниқлаш (06); жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари ўртасидаги рационал нисбатларни топиш (07); ишсизлик ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш (08).

**Иккинчи босқичда** эконометрик моделларнинг турлари танланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, $Z_0$ учун имитацион моделлар мос келади, $Z_{01}$ ва $Z_{08}$ - иқтисодий-статистик, $Z_{02}$ ва $Z_{03}$ - балансли, $Z_{05}$ ва $Z_{06}$ - опти-

маллаштирилган, $z_{07}$ ва $z_{08}$ - тармоқлараро ва $z_{08}$ - кўпомиллик моделлар ўрнида бўлади.

**Учинчи босқичда** эконометрик моделлар комплекси тузилади ва унинг моделларини ўзаро алоқадорлиги аниқланади. Унинг таркибига қуйидагилар киради: ишчи кучи таклифи шаклланишининг демосоциал манбаларини (DEMOSOC) ва унга бўлган талабни вужудга келтирувчи макроиқтисодий кўрсаткичларнинг (IQTISOD) иқтисодий-статистик моделлари; меҳнат сарфларини тармоқлараро балансининг моделлари (TAB-M); ишчи кучига талаб ва таклифни ижтимоий-иқтисодий тартибга солишнинг (TARTIB) ва аҳоли оқилона бандлигини шакллантиришнинг (OBAND) оптимизацион моделлари; ишсизлик ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболини белгилашнинг кўпомиллик моделлари (ISHSIZ) ва МБ ривожланишининг имитацион моделлари (MB-R). DEMOSOC, IQTISOD, TAB-M, TALAB, TAKLIF, TARTIB, OBAND ва ISHSIZ моделлари ёрдамида МБ шаклланишининг комплекс эконометрик моделлари вужудга келади (MB-SH).

DEMOSOC моделлари ишчи кучи таклифининг демосоциал асосий манбаларини аниқлашга мўлжалланган. Улар уч қисмдан иборат: демография (аҳолининг сони ва жинси, ёш тузилишини аниқлаш); таълим (меҳнатга лаёқатли аҳолининг касб-малака тузилишини топиш); меҳнат ресурслар баланси (меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз ёшлардаги аҳолининг бандлигини аниқлаш, ишчи кучи таклифининг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланишини ва унинг миграциясини миқдорий баҳолаш).

IQTISOD моделлари асосий ишлаб чиқариш фондларининг миқдори ва тузилишини, мавжуд ва янги иш жойларининг сони ва қийматини ва инвестициянинг ҳажмини аниқлаш имконини беради. Бу кўрсаткичлар ишчи кучига талабнинг макроиқтисодий асосларини тўлиқ изоҳлайди.

Ҳудуднинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ва тўғри, эгри ва тўлиқ меҳнат сарфлари ва аҳолининг бандлиги коэффициентларини TAB-M моделлари ёрдамида аниқлаш мумкин.

Агарда TALAB моделлари ёрдамида ишчи кучига бўлган асосий ва қўшимча талабларнинг миқдори топилса, TAKLIF моделлари эса ишчи кучи таклифининг сони, жинси, ёши, маълумоти , касби, даромади, иш билан банд эмаслик сабаблари ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги бўйича аниқланади.

TARTIB моделлари эса ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги энг кичик фарқларнинг вариантларини топишга мўлжалланган. Улар икки хил йўналишда аниқланади: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида секторида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш; саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида эса ишчи кучига талаб ва таклифни кўпайтириш. Мазкур икки йўналиш бўйича рационал вариантларни топишда МБ ва аҳолини оқилона бандлиги шаклланишининг иқтисодий, ижтимоий ва демографик шароитлари ва омилларини кўрсаткичлари кенг қўлланилади.

МБ шаклланишининг эконометрик моделлари комплексида ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни жиҳатдан OBAND модели етакчи ўрин тутади. Чунки, унда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд ва банд бўл-

маган гуруҳларининг даромадларини максимум бўлиши асосий мезон оптималлиги қилиб олинган. Ушбу ишчи кучининг иш билан банд ва банд бўлмаган қисмларини рационал миқдори ва тузилишини топиш имконини беради. Бу эса ишсизликни камайтириш учун асосий шароит ҳисобланади.

ISHSIZ моделлари ишсизликнинг миқдори, улуши, йўл қўйиш мумкин бўлган даражасини ҳамда унинг яширин, мавсумий, технологик ва таркибий каби турлари миқёсини таҳлил қилиш ва истиқболини белгилашга мўлжалланган. Бунда кўпомиллик моделлар ёрдамида ишсизлик даражасига таъсир этувчи иқтисодий, ижтимоий ва демографик омилларнинг миқёсини аниқлаш мумкин.

QMB-R имитацион моделлари комплексини тузишдан асосий мақсад - аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилашнинг рационал вариантларини топишдир.

Улар эса QMB-R нинг қуйидаги моделлар блокларини ечиш орқали аниқланади: МБ ни ижтимоий-иқтисодий тузилишининг ривожланиши; ишчи кучи таклифининг шаклланиши; ишчи кучига талабни вужудга келиши; ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатларга эришиш; мазкур бозор инфраструктурасининг ривожланиши.

Мазкур моделлар комплекс МБ фаолиятининг мақсадли йўналишига мўлжаллаб яратилган. Бундай моделларни ишлаб чиқишни бошланғич давридаёқ, ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини моделлари билан узвий алоқа ўрнатилиб, уларнинг «чиқиш» ахборотларидан фойдаланади.

МБни эконометрик моделлари комплексини (ЭМК) тузишда рефлектор ёндашиш (услуб) идан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир[1,39б]. Унинг ёрдамида МБ фаолиятига таъсир этувчи ички ($V_i$) ва ташқи ($W_i$) шароитларини тўла ўрганиш мумкин. $V_i$ $W_i$ бўйича яратилган ЭМК да асосий эътибор МБ бўлимларни ривожлантиришнинг ички шароитларини ҳисобга олишга қаратилган бўлади. Рефлектор услуби ёрдаамида ечилиши лозим бўлган аниқ масалалар изоҳланади.

МБ нинг асосий бўлимларини мукаммал изоҳлаш рефлектор услубининг бош хусусияти ҳисобланади. Мазкур бозорнинг бир бўлими рефлектор моделининг ечимлари бошқа бўлим моделининг натижалари билан таққослашни талаб этмайди. Аксинча, бирининг асосий натижалари бошқа бўлимларнинг рефлектор моделларини шакллантиришда «кириш» ва «чиқиш» ахборотлари бўлиб хизмат қилади. Турли бўлимларни (объектларни) изоҳловчи бир нечта рефлектор моделларнинг шароитларини ва ечимларини математик изоҳлаш анча мураккаб ва кам ўрганиладиган муаммодир.

Рефлектор услуби эконометрик моделлар ўртасида мукаммал-горизонтал алоқалар бўлишини таъминлайди, яъни бир моделнинг «чиқиш» ахбороти бошқаси учун «кириш» ахбороти ҳисобланади. Бунинг натижасида МБнинг ривожланиш модели (QMB-R) шаклланади.

Тўртинчи босқичда тузилган МБ шаклланиши ва ривожланиши ЭМК ларини ечиш услублари аниқланади. Бундай услублар жумласига чизиқли

ва блокли программалаштириш, компьютерда имитациялаш, каррелацион-регрессион таҳлиллаш каби иқтисодий кибернетиканинг асосий воситалари (қуроллари) киради. Иқтисодий-математик масаланинг берилишига қараб, юқорида қайд этилган услублардан бири қўлланилади. Масалан, МБ шакллантиришнинг ЭМК ва ўрганилаётган ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари негизида вужудга келган МВ-R имитацион моделлари комплексини ечишда компьютерда имитациялаш услуби ишлатилади.

Моделлаштиришнинг ушбу босқичида ишлаб чиқилган моделларни компьютерда ечиш учун махсус алгоритмлар ва программалар тузилади ҳамда тайёр амалий программалар пакетини (ТАПП) қўллаш имкониятлари аниқланади. МБ нинг ЭМК ни тадбиқ этишда TSP, LPS/88 (АҚШ), RUSSIA (РФ) ва ТАПП қўлланилади.

Бешинчи босқичда МБ нинг ЭМК ни тадбиқ этиш учун зарур бўлган ахборотлар тўпланади ва таҳлил қилинади ҳамда уларнинг ишончлиги аниқланади. Унинг ахборот таъминоти меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ва янги статистик ҳисобот формаларини татбиқ этиш ва кадрлар маркетинги ҳамда аниқ социологик тадқиқотлар ўтказиш йўллари билан янада яхшиланади.

Аниқ социологик тадқиқотлар (АТС) ўтказиш методикасини танланган объектларда қўллаш O-BAND, ISHSIZ ва QMB-R моделларининг ахборот таъминотини яхшилайди ва ишга ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш ва ишсизликни камайтириш бўйича устувор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Социологик ахборотларни шакллантириш ва уларни тузилган ЭМК да қўллаш қуйидаги босқичларда олиб борилади: АСТнинг бош мақсадини, асосий вазифаларининг, предмети ва объектини аниқлаш; анкеталарни тузиш; анкета саволларига жавобларни кодлаштириш; АСТ объектларини танлашнинг услубларини аниқлаш; танланган объектларнинг демосоциал ва иқтисодий ривожланиши билан танишиш; АСТ объектларидаги респондентлар (сўралувчиларни) танлаш; социологларни, программистларни танлаш ва ўқитиш; социлогик дастур тузиш; респондентлар билан сўров ўтказиш ва анкеталарнинг тўғри тўлдирилганлигини текшириш;сўровни дастлабки ахборотини компьютерда қайта ишлаш; ҳосил қилинган социологик ахборотлар асосида илмий ҳисобот тузиш ва қайд этилган моделларни қўллаш.

Олтинчи босқичда тузилган ЭМК TSP, LPS/88 ва RUSSIA программалари ва ишончли ахборотлар ёрдамида компьютерларга киритилиб, зарурий натижалар (ечимлар) ҳосил қилинади.

Эконометрик моделлаштиришнинг сўнгги босқичида эса компьютердан олинган натижалар иқтисодий-математик баҳоланади, ишончлилиги текширилади ва МБ шакллашини ва ривожланишининг рационал вариантлари топилади.

## Қисқача хулосалар

1.Эконометрик моделлаштириш меҳнат бозорининг фаолиятини миқдорий комплекс баҳолаш воситаси ҳисобланади.

2.Эконометрик моделлар комплекси меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг рационал параметрлари (ўлчовлари)ни топиш имконини беради.

## *Таянч иборалар:*

эконометрика; моделлаштириш; босқичлари; программалар; рефлектор ёндашуви; алгоритмлар; ахборотлар ишончлиги; рационал ўлчамлар; вариантлар; иқтисодий-математик баҳолаш.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Эконометрика» тушунчаси нимани англатади?
2. Меҳнат бозорини эконометрик моделлаштиришнинг қандай аҳамияти бор?
3. Меҳнат бозори шаклланиши ва ривожлантиришини эконометрик моделлаштириш қандай босқичлар асосида олиб борилади?
4. Эконометрик моделлар комплексининг таркиби қандай?
5. Эконометрик моделлар қандай программалар ва ахборотлар ёрдамида татбиқ этилади?

## Адабиётлар

1.Гранберг А.Г., Суспицин С.А. Введение в системное моделирование народного хозяйства - Новосибирск: Наука, 1988

2.Вин Р.Р., Холден К. Введение в прикладной эконометрический анализ - М.: Финансы и статистика, 1981

3.Джонсон Дж. Эконометрические методы - М.: Статистика, 1980

4.Лопатников Л.И. Краткий экономико - математический словарь - М.: Наука, 1979

## 9 - Мавзу. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ

9.1. Меҳнат бозорини ўрганишда социологик тадқиқотнинг аҳамияти.

9.2. Меҳнат бозори бўйича аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг босқичлари.

### 9.1. Меҳнат бозорини ўрганишда социологик тадқиқотнинг аҳамияти.

Ҳозирги пайтда социологик ахборотлардан бозор иқтисодиётига ўтишнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларини (оқибатларини) ўрганишда кўп фойдаланилмоқда.

Улар меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик холатларини таҳлил қилишда қўлланилади.

Меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини (ТАБ) тузишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қизғин даврида жалб қилинган ишловчилар ва улар бажарган иш вақти ҳақида ишончли ахборотларни тўплаш анча мураккаб иш. Бундай вазиятда ахборотлар йиғишнинг самарали услубларидан бири-социологик тадқиқот хисобланади. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари жонли ва буюмлашган меҳнат сарфларини, тўғри ва тўлиқ меҳнат сарфлари ва аҳоли бандлиги коэффицентларини аниқлашда ҳамда ТАБ тузишда қўлланиладиган бошқа кўрсаткичлар асосланишда қўлланилади.

Шу билан бирга, социологик ахборотлар шахсий ёрдамчи хўжаликларни, индивидуаль (якка тартибда) меҳнат фаолияти ва тўлароқ ифодалайди ва улар ёрдамида шахсий меҳнат секторидаги тўлиқ меҳнат сарфларини аниқлаш мумкин. Социолоогик тадқиқот воситаларидан самарали фойдаланиш шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг даромадлари ва харажатлари ҳақида ишончлироқ ахборотлар хосил қилиш имконятини туғдиради.

Бундан ташқари улар ёрдамида кичик ва ўрта бизнесни, хусусий ишбилармонликнинг ривожланиши бўйича статистик хисоботларда учрамайдиган маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, социологик ахборотлардан шундай вазиятда фойдаланиладики, қачонки ишончли статистик ва маркетинг ахборотлар мавжуд бўлмаса ёки уларни эксперт баҳолаш мажмуаси ёрдамида ҳам хосил қилинмаса. Бундай вазиятда сифатли ва ўз вақтида ўтказилган аниқ социологик тадқиқот меҳнат бозори (МБ) шаклланиши ва ривожланишини эконометрик моделлар комплекси (ЭМК) ахборот таъминотини сезиларли даражада яхшилайди.

Собиқ иттифоқ давлатларида, жумладан бизнинг республикада социологик тадқиқотлар бўйича бой тажрибалар тўпланган [1,2,3,4,5]. Мазкур тажрибаларга таянган холда, биз методика ишлаб чиқдик. У МБ шаклланиши ва ривожланиши шароитида ёлланган ходимлар билан иш бе-

рувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ва ишсизлик ҳолатларини аниқ социологик тадқиқот (АСТ) қилишда қўлланилди.

## 9.2. Меҳнат бозори бўйича аниқ социологик тадқиқот ўтказишнинг босқичлари.

Тавсия этилган методикага асосан АСТ босқичма-босқич олиб борилади.

**Биринчи босқичда** АСТнинг бош мақсади, асосий вазифалари, предмети ва объектлари аниқланади. Ушбу тадқиқотнинг бош мақсади - бозор иқтисодий муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида аҳолини иш билан бандлигини оширши ва ишсизликни камайтириш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг асосий вазифаларига** қуйидагилар тааллуқли бўлади: иш билан банд бўлган ва бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий ҳолати ва унинг меҳнат даромадларини ошириш мақсадида иш жойларини ўзгартиши истакларини билиш; иш берувчилар ва ёлланма ходимлар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги касбларни эгаллаш истакларини аниқлаш; ерга хусусий мулкчилик ва янги иш жойларини яратишга тўсиқ бўладиган асосий сабабларни топиш; ишловчиларни ўз меҳнати якуний натижаларидан ва ижтимоий инфраструктура объектлари ва маҳаллий меҳнат биржалари хизматларидан қониқиш даражасини аниқлаш; тўлиқ, қисман, вақтинчалик ва мавсумий ишсизликлар сабабларини ахтариб топиш; ишсизларни ишга жойлашишни, малакасини ошишни, янги ихтисосликларни эгаллаш ва иш берувчиларнинг ходимларини ёллаш шартлари бўйича истакларини аниқлаш; шахсий меҳнат фаолиятини ташкил этишга ва хусусий бизнесни ривожлантиришга салбий таъсир этувчи асосий сабабларни топиш; ёлланган ходимларни ва ишсизларни таклифларини ўрганиш; МБ, ЭМКни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш учун зарур бўлган социологик маълумотлар фондини вужудга келтириш.

**Тадқиқотнинг предмети** - танланган МБ шаклланиши ва ривожланиши шароитида ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ишсизликнинг ҳолатлари.

**Ушбу тадқиқотларнинг объектлари** танланган ҳудуд иқтисодиёти секторлари - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари **ва** ишсизлар мавжуд бўлган яшаш жойлари ҳисобланади.

Аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг **иккинчи босқичини** асосий натижаси - долзарб муаммолар бўйича икки хил ёзма сўровлар (анкеталар)ни тузиш: "ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш" ва "ишсизлик ҳолатларини ўрганиш".

Биринчи анкета 32 савол ва уларга тааллуқли кўпвариантлик жавоблардан иборат бўлиб, ўзбек ва рус тилларида тузилган бўлади. Унинг кириш қисми респондентларни тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари билан таништиришга бағишланади. Саволлар таркибига респондентларни ижтимо-

ий ҳолати, маълумот даражаси ва уларнинг халқ хўжалигининг турли тармоқларига ишга жойланиш мақсадида иш жойларини ўзгартириш истаклари киритилиб, кўп вариантлик жавоблар билан бирга берилган бўлади (анкетанинг 1-6 саволлари).

Ушбу анкетанинг кейинги саволларида қуйидаги муаммолар ўрганилади: меҳнат шартномаларининг мақбул турини танлаш (7); иш берувчиларнинг ходимларни танлаш шартлари (8); иш берувчиларнинг ёлланган ходимларни иш билан бандлигини ва малакасини ошириш имкониятларини ва истакларини аниқлаш (9-14); иш берувчилар ва ёлланган ходимларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги касбларни эгаллаш борасидаги истакларини ўрганиш (1,5-17); ерга хусусий мулкчиликнинг ривожланишан ва янги иш жойларининг яратилишига тўсиқ бўладиган асосий сабабларни аниқлаш (18-21); меҳнат даромади шаклланишининг асосий манбаларини топиш (22); ишловчиларнинг ўз меҳнатига якуний натижаларидан ва ижтимоий инфраструктура объектлари ва маҳаллий меҳнат биржалари хизматларидан қониқиш даражасини аниқлаш (23-30); респондентларнинг бандлик хизмати ташкилотлари амалий фаолиятини яхшилаш (31) ва ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ўрганиш (32).

Иккинчи анкета ҳам ўзбек ва рус тилларида тузилган бўлиб, у аниқ социологик тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини ва респондентларнинг мажбуриятларини тушунтириш билан бошланади. У қуйидаги муҳим муаммоларнинг тадқиқотига мўлжалланган: тўлиқ, қисман, вақтинчалик ва мавсумий ишсизликларнинг сабаблари (3-7); ишсизларнинг ишга жойлашиш, малакасини ошириш, янги касбни эгаллаш ва иш берувчиларга ёлланиш шартлари бўйича истаклари (8-16); шахсий меҳнат фаолиятини ташкил этишга ва хусусий бизнесни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи асосий сабаблар (17-19); иш билан банд бўлмаган шахсларнинг ишга ёлланиш шартлари (20-21); маҳаллий меҳнат биржаларининг амалий фаолиятини ва уни яхшилаш бўйича респондентларнинг таклифлари (22-26).

Анкета саволларига жавобларни кодлаштириш аниқ социологик тадқиқотларнинг учинчи босқичи натижаси ҳисобланади.

Анкеталардаги саволларни барча жавобларни позицион кодлаштирилади. Аниқ социологик тадқиқотларнинг тўртинчи босқичида объектларни танлаш услублари аниқланади. Таҳлил кўрсатадики, ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш юзасидан анкеталар учун ишлаш жойлари бўйича танлаш услубини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундай танлаш услубида корхоналар, фирмалар, ташкилотлар ва хусусий хўжаликлар ҳақидаги маълумотларга асосланиб, тадқиқотнинг репрезентатив (энг мақбул) объектлари аниқланади. Репрезентатив объектив бўлиб, аҳолининг бандлик коэффициенти ҳудудий ўртача қийматидан энг юқори ва паст бўлган корхоналар, ташкилотлар ва хусусий хўжаликлар хизмат қилади. Бу жараёнда танланаётган объектларнинг халқ хўжалиги-

нинг асосий тармоқларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш салмоғи юқори бўлишини ҳисобга олишини лозим.

*Лекин, мазкур танлаш услуби ёрдамида иниэлик ҳолатини ўрганиш* анкеталари учун тадқиқот объектларини танлаб бўлмайди. Бундай вазиятда яшаш жойлари бўйича танлаш услубини қўллаш мақсадга мувофиқ [5]. *Унга биноан иниэлик даражаси энг юқори бўлган худуднинг яшаш жойла*ри тадқиқот объектлари қилиб танланади. Аввалом бор, мазкур услуб худуд инисэлари ижтимоий-иқтисодий ҳолати ижтимоий гуруҳларга бўлиб ўрганиш имкониятини беради.

Аниқ социологик тадқиқот объектларининг асосий мезонлари бўлиб, меҳнат ресурсларининг бандлик коэффициенлари ва хўжаликларда бир ишловчига тўғри келадиган экин майдони ва чорва моллари сони хизмат қилади. Шундай объектлар танланадики, қайсики у ерда юқоридаги асосий мезонларнинг миқдори худудий ўртача йиллик кўрсаткичидан энг юқори ва энг паст.

Аниқ социологик тадқиқотнинг иккинчи анкетаси учун объектлар танлашда худуд туманлари ва яшаш жойларида инисэлик даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қилади *ва ҳисоблаш юқорида қайд этилган* тамойил бўйича олиб борилади. Объектларни танлашда уларни репрезенттативлиги ҳисобга олинади.

*Худуд туманлари ва турар жойлари ривожланишининг* демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш билан тадқиқотнинг бешинчи босқичи бошланиб, сўнгра аниқ социологик тадқиқотларнинг объектлари танланади. *Дастлаб, ёлланган ходимлар* ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ўрганувчи анкеталар бўйича танланади.

Тадқиқотнинг олтинчи босқичи вазифаси - аниқланган объектлардан респондентларни танлаш. Биринчи социологик сўров бўйича респондентлар жинси, ёши, маълумоти, ихтисослиги ва иш стажи бўйича улар меҳнатда *иштироки (бандлик) коэффициентлари асосида* танланади. Респондентлар таркибига меҳнатга лаёқатли кўп болали аёллар, пенсионерлар, ногиронлар ва кундузги бўлим студентлари ва ўқувчилари ҳам кириши лозим.

Иккинчи анкета бўйича респондентлар танлашда инисэлик даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

*Аниқ социологик тадқиқотларнинг еттинчи* босқичида социологлар, иқтисодчилар, программистлар ва бошқа ходимлар танланади. Холбуки, уларга ҳосил қилинадиган социологик ахборотларнинг ишончлилик даражаси *кўп жиҳатдан боғлиқ*. Шунинг учун социологик тадқиқот ўтказадиган шахслар юқори маълумотли ва маданиятли, виждонли ва яхши муомалали бўлиши лозим. Танланган ходимлар бир ҳафта давомида ўқитилиб, тадқиқот ўтказиш *методик йўриқномалари ва* дастурлари билан таништирилади.

Саккизинчи босқичда аниқ социологик тадқиқотларнинг иқтисодий *асосланган дастури тузилади*. Улар проф.*В.Г.*Гречихин таъкидлаганидек,

икки қисмдан (методология ва амалиёт) эмас [1], балки тўртта бўлимдан иборат бўлади: методология, методика, амалиёт ва молия.

Дастурнинг **методологик бўлимида** аниқ социологик тадқиқотларнинг мақсадлари, асосий вазифалари, объектлари ва предметлари *аниқланади*. Танланган объектларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши бўйича дастлабки комплекс таҳлил ўтказилади.

Дастурнинг **методик бўлимида** оғзаки ва ёзма сўровлар асосида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг назарий йўриқномалари ишлаб чиқилади. Анкеталарнинг матнлари тузилади ва *саволларнинг жавоблари кодлаштирилади*.

Социологик сўровни ўтказиш, яъни анкеталарни тўлдириш қоидалари ва иштирокчиларнинг мажбуриятлари дастурнинг **амалиёт бўлимида** жойлашган бўлади. Бу бўлимда дастлабки социологик ахборотларни *тўплаш ва компьютерда қайта ишлаш муддатлари белгиланади*.

Дастурнинг **молия бўлимида** қуйидаги асосий кўрсаткичлар мавжуд, қайсики уларсиз ҳар қандай аниқ социологик тадқиқотни ўтказиш мумкин эмас: иш ҳақи; моддий ресурсларга харажатлар; транспорт харажатлари; нашр сарфлари; компьютерда қайта ишлаш харажатлари; бошқа сарфлар.

Аниқ социологик тадқиқот *натижаларидан манфаатдор бўлган бандлик хизмати органлари*, юридик шахслар ва айрим ишбилармонларнинг маблағлари ҳисобидан дастур бажарилишини сармоялар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Аниқ социологик* тадқиқотларнинг **туққизинчи босқичида** респондентлар сўрови уч фазада ўтказилади: *мослашиш (кўникма ҳосил қилиш)*, мақсадларга эришиш, ҳорғинликни бартараф этиш.

**Тадқиқотларнинг ўнинчи босқичида** дастлабки маълумотлар компьютерларда қуйидаги кетма-кетлик асосида қайта ишланади: маълумотларни киритиш ва дастлабки таҳлил қилиш; маълумотларни назорат қилиш ва хатоларини тўғрилаш; *ўзгарувчилар каторини тузиш*; машина алгоритмлари ва дастурларини тузиш; тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.

Компьютерда дастлабки маълумотларни қайта ишлаш бўйича методика Россия фанлари *академияси* Социологик тадқиқотлар институти нашр этган «Социологнинг иш китоби» номли китобида батафсил ёритилган [3]. Дастлабки маълумотлар компьютерда *қайта ишлангандан* сўнг уларнинг *ишончлилиги текширилади*. Агар, улар юқори ишончли бўлса тадқиқотнинг кейинги босқичига ўтилади. Акс ҳолда ахборотлар ўнинчи босқичигача бажарилган ишлар қайтадан бажарилади.

Тадқиқотнинг **ўн биринчи босқичида** ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий иқтисодий муносабатлар ва турли шаклдаги *ишсизликнинг вужудга келиш сабабларини* ўрганиш бўйича ҳосил қилинган социологик ахборотлар асосида илмий ҳисобот тузилади.

## Қисқача хулосалар

1.Социологик тадқиқотлар *меҳнат бозорини ҳолати* бўйича ишончли статистик маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда ўтказилади. Уларни ўтка

зинда муаммолар, мақсад ва асосий вазифаларни тўғри белгилаб олиш асосий ўринни эгаллайди.

2.Меҳнат бозорини аниқ социологик тадқиқотларни ўзаро боғлиқ бўлган босқичлар асосида ўтказилиб, улардан ҳосил қилинган ахборотлар иш берувчилар билан ёлланувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ва ишсизлик сабабларини тўла ифодалайди.

### Таянч иборалар:

Аниқ социологик тадқиқот; анкета; танлаш услуби; кодлаштириш; асосий босқичлар; муаммолар; илмий ҳисобот.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1.Меҳнат бозорини социологик тадбиқ қилишнинг аҳамияти нимада?

2.Социологик тадқиқот қандай манбаларга асосланади?

3.Аниқ социологик тадқиқотлар қандай босқичлар асосида ўтказилади?

4.Анкеталар қандай саволлардан тузилган?

5.Аниқ социологик тадқиқотларни ўтказиш ёрдамида нималар аниқланади?

6.Бирламчи социологик ахборотлар қандай методик асосида компьютерда қайта ишланади?

### Адабиётлар


1.Гречихин В.Г. Лекции по методике и технике социологических исследований (учебное пособие) - М.: МГУ, 1988

2.Логика социолоигческого исследования. Отв.ред. В.Г. Осипов - М.:Наука, 1987

3.Рабочая книга социолога. 2-е езд. Преработнное и дополненное. Отв.ред В.Г.Осипов - М.: Наука, 1983

4.Радаев В.Социологический подход к анализу рынка труда: предложение труда. Российский экономический журнал - М.:, 1995, №5

5.Территориальная виборка в социологических иследованиях. Отв.ред.Т.В.Рябушкин - М.: Наука, 1980

# 10-Мавзу. ЯҚИН КЕЛАЖАКДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНИШИ КОНЦЕПЦИЯСИ

**10.1. Меҳнат бозори ривожланиши концепциясининг стратегик мақсадлари.**
**10.2. Меҳнат бозорини ривожланиш босқичлари.**

## 10.1. Меҳнат бозори ривожланиши концепциясининг стратегик мақсадлари.

Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган республикамиз **меҳнат бозорини ривожланиш концепциясининг асосий мақсади** - меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини камайиши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жой*ларини кам яратилиши*, *меҳнат унумдорлигининг пасайиши*, инфляциянинг мавжудлиги, мулкчиликнинг турли шакллари секинлик билан вужудга келиши, *иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг жуда секинлик* билан амалга оширилиши, ҳақиқий меҳнат даромадларининг камайиши каби шароитларда *ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш* бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Улар ўтиш даври Ўзбекистон миллий иқтисодиётини чуқур *таркибий ва эркинлаштиришнинг* ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларига асосланиб ишлаб чиқилади.

Буни ҳисобга олган ҳолда мазкур концепциянинг **стратегик мақсадлари** қилиб қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори босқичма-босқич шакллантириш;
- меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;
- янги иш жойларини ташкил этишга, аҳолининг бандлик даражасини оширишга ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланишга асос бўлувчи чуқур иқтисодий-таркибий ислоҳотларни амалга ошириш;
- аҳолини иш билан оқилона бандлигини шакллантириш;
- *қайта ишлаш саноати*, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида янги иш жойларини яратиш ва ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар *ва ногиронлар учун меҳнатни кафолатлантирилган* минтақаларини ташкил қилиш;
- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг *камайишини* таъминловчи кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- мулкчиликнинг ижара, жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий шакллари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни маҳаллий ва хорижий самарали технология ва техника билан таъминлаш;

- саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш - ижтимоий инфраструктура объектларини вужудга келтириш;

- маҳаллий ходимларнинг малакасини, рақобатбардошлигини ва чет элга юборилишини ошириш ва уларда янги иқтисодий маънавий ва мафкуравий тафаккурни шакллантириш;

- ҳар бир ишсиз учун ихтиёрий ва мустақил иш жойини танлаш ва меҳнат қилиш имкониятларини яратиш;

- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлигидаги жараёнларни тартибга солувчи иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш.

Мазкур мақсадларга узлуксиз эришиш учун меҳнат бозори ривожланишининг асосий босқичлари ва вазифаларини аниқ белгилаш зарур.

## 10.2. Меҳнат бозорини ривожланиш босқичлари.

МБнинг ривожланишининг биринчи босқичида (1991-1996йй.) қуйидаги вазифалар бажарилган: меҳнат биржаси ва бандлик хизматининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилиб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва келажаги, банд бўлмаган аҳолини жойлаштириш ва қайта ўқитиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва сарфлаш ишлари билан шуғулланадилар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йўли билан янги иш жойларини яратишга, муайян молиявий ёрдам кўрсатилди, халқ хўжалиги тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида таркибий ислоҳотлар амалга оширилиб, "пахта якка ҳукмронлиги"ни тугатиш учун шарт-шароитлар яратилди; ёлланма ходимлар ва иш берувчилар солишининг ҳуқуқий асослари яратилди ва бошқалар.

Бу даврда аҳолининг иш билан бандлик даражасини пасайиши, ишсизликнинг ошиши, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги номувофиқлигининг ортиши содир бўлди.

Ушбу босқичнинг якуний натижаси - МБни шакллантириш учун ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратилиши бўлди.

Иккинчи босқичда (1997-2000йй.) қуйидаги вазифаларни бажариш зарур: маҳаллий инвестицияларни ва жуда зарур бўлган ҳолда хорижий кредитларни жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш йўли билан ишчи кучига талабни ошириш; меҳнатга лаёқатли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталанган иш жойларини ташкил қилиш ва уларнинг иқтисодий рағбатлантирилишини таъминлаш; банд бўлмаган шахсларга янги иш жойларини яратиш билан шуғулланувчи - иш берувчиларга доимий молиявий ёрдамлар кўрсатиш; ишчи кучи таклифини унинг малакасини, рақобатбардошлигини ва экспортини ошириш йўли билан камайтириш; мулкчиликнинг турли формаларини шакллантириш ва миллий иқтисодиётда чуқур ислоҳотларни ўтказиш асосида аҳолини иш билан бандлиги соҳасида

таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; иш ҳақи ва бошқа меҳнат даромадларининг манбалари даражасидан солиқ ставкасини кескин камайтириш; бандлик хизматининг бозор инфратузилмасини ташкил қилиш; меҳнат шартномаларини тузишни такомиллаштириш ва бошқалар. Буларнинг барчаси бандликни сезиларли ўсиши ва ишсизликни камайиши, ҳамда ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги фарқни қисқаришига кўмаклашади.

Учинчи босқичда (2001-2005йй.) қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади: ишчи кучига талабни ошиши ва унинг таклифини камайишига йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни кучайтириш; бандлик хизмати ва унинг инфраструктурасида қудратли ва тез ривожланувчи тизимни яратиш; аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш; ишсизликни йўл қўйиладиган даражасигача қисқартириш; иш билан банд бўлмаган маҳаллий ходимларнинг малакаси, рақобатбардошлиги, ижтимоий ҳимояси ва экспортини ошириш, меҳнат бозори, бандлик ва ишсизликни тартибга солишнинг самарали ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини яратиш ва ҳ.к.

Қайд этилган вазифаларни бажариш ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозорининг шаклланишига олиб келади.

Мазкур бозор ривожланишининг кейинги босқичида (2006-2010йй.) ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш мумкин.

Буларнинг барчаси МБ ни самарали ривожланишига йўналтирилган ишчи кучига талабни ошиши ва унинг таклифини камайиши бўйича иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирлар мажмуасида мужассамлашган.

## Қисқача хулосалар

1.Меҳнат бозорини яқин келажакда ривожлантиришнинг бош мақсади-меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган худудларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш.

2.Меҳнат бозорини ривожланиши босқичлари қайд этилган тадбирларни амалга оширилиши яқин келажакда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш -привордадида, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга ва ишсизликни кескин камайтиришга олиб келади.

## Таянч иборалари:

Меҳнат бозори ривожланиши; концепсия; босқичлар; тадбирлар; талаб ва таклиф мувозанати; оқилона бандлик; ишсизлик; табиий ишсизлик.

## *Назорат ва муҳокама учун саволлар*

1.Меҳнат бозори ривожланишининг бош мақсади нима?

2.Меҳнат бозори ривожланишининг биринчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилди?

3.Меҳнат бозори ривожланишининг иккинчи босқичида қандай тадбирларни амалга оширилади?

4.Меҳнат бозори ривожланишининг учунчи босқичига қандай тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда?

5.Меҳнат бозори ривожланишининг тўртинчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилади?

## Адабиётлар

1.Убайдуллаев Р.А. Занятость и рынка труда: спорные вопросы и нерешенные проблемы // Общественные науки в Узбекистане - Т.:1992, №2

2.Шодиев Р.Х.Рынок труда: вопроси теории и практики // Материали семинара Всемирного банка по социальному проекту - М.: МГУ, 1995

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.:Ўзбекистон., 1992

2.Ўзбекистон Республикасининг «Ахолини иш билан таъминлаш тўгрисида»ги Қонуни - Т.:Ўзбекистон 1998(янги тахрир)

3. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси-Т.: Адолат 1996

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари-Т.:Ўзбекистон, 1997

5. Каримов И.А. Ўзбекистон ислохатларини чуқурлаштириш йўлида-Т.: Ўзбекистон, 1995

6. Каримов И А Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари Т.: Ўзбекистон, 1993

7. Абдурахмонов Қ.Х. Муртозаев Б.Ч. Мехнат бозори (ўкув қўлланма) Т.: ТДИУ, 1999

8. Абдурахмонов Қ Х, Мамарасулов.Ф Мехнат иқтисоди(ўқув-услубий қўлланма)-Т.; ТДИУ, 1996

9. Адамчўк В.В.,Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социјлогия труда -М.:1999

10. Гречихин В.Г. Лекции по методике и технике социалогических исследований(учебник пособие)-М.: МГУ, 1988

11. Кейнс Дж М. Общая теория занятости, процента и денег М.: Прогресс, 1978

12. Никифирова А.А. Рынок труда: занятость и безработица. - М.: 1999

13.Павленков В.А. Рынок труда-М.: Общество «Анкил», 1992

14.Рынок труда и доходы населения (учебное пособие) Под ред. Н.А.Волгина-М.: 1999

15.Убайдуллаева Р.А. Занятость и рынок труда: спорные вопросы и нерешенные проблемы // Общественние науки в Узбекистане, Т., 1992, №2.

16.Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда -Т: Фан 1996

17.Холмўминов Ш.Р. Ринок труда: проблемы формирования и регулирования - Т.: Фан, 1996

18.Шодиев Р.Х. Рынок труда: вопроси теории и практики // Материали семинара Всемирного банка по социальному проекту-М.: МГУ, 1995

## МУНДАРИЖА

Кириш ....................................................................3
**1-Мавзу. Меҳнат бозорининг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва асосий вазифалари** ....................................4
1.1. «Меҳнат бозори» ҳақида тушунчалар....................................5
1.2. Меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни....................6
1.3. Меҳнат бозорининг асосий вазифалари....................................6
Қисқача хулосалар ....................................................................7
Таянч иборалар ....................................................................7
Назорат ва мухокама учун саволлар ....................................................7
Адабиётлар ....................................................................7
**2-Мавзу. Меҳнат бозорининг шаклланиши** ..................................8
2.1. Меҳнат бозорини шакланиши шарт-шароитлари ва хусусиятлари....................................................................8
2.2. Меҳнат бозорини шакланиш тамойиллари, омиллари ва чекловчилари....................................................................10
Қисқача хулосалар ....................................................................12
Таянч иборалар ....................................................................12
Назорат ва мухокама учун саволлар ....................................................12
Адабиётлар ....................................................................12
**3-Мавзу. Меҳнат бозорини тартибга солиш** ....................................13
3.1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг мохияти....................................13
3.2. Меҳнат шартномаларини меҳнат бозорини тартибга солишдаги ўрни....................................................................13
3.3. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг худудий усуллари........15
Қисқача хулосалар ....................................................................18
Таянч иборалар ....................................................................18
Назорат ва мухокама учун саволлар ....................................................18
Адабиётлар ....................................................................18
**4 - Мавзу. Аҳолини иш билан оқилона бандлиги** ....................................19
4.1.Аҳолини иш билан оқилона бандлиги ва унга меҳнат бозорини таъсири....................................................................19
4.2.Аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш меъзонлари ва кўрсаткичлари....................................................................21
Қисқача хулосалар ....................................................................21
Таянч иборалар ....................................................................22
Назорат ва мухокама учун саволлар ....................................................22
Адабиётлар ....................................................................22
**5 - Мавзу. Меҳнат бозори ва аҳоли иш билан бандлиги ҳолати таҳлилининг баланс услуби** ....................................23
5.1.Меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини таҳлил қилишда баланс услубини аҳамияти....................................................................23
5.2.Меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқиш асослари....................................................................25
Қисқача хулосалар ....................................................................33

Таянч иборалар ......................................................................33
Назорат ва мухокама учун саволлар .........................................33
Адабиётлар .............................................................................34
**7 - Мавзу. Меҳнат бозорининг мақсадли комплекс дастури ...... 35**
**7.1. Меҳнат бозорининг мақсадли комплекс дастурини аҳамияти....35**
**7.2. Мақсадли комплекс дастурининг тузилиши ва уни ишлаб чиқиш босқичлари.........................................................................35**
Қисқача хулосалар ..................................................................39
Таянч иборалар ......................................................................39
Назорат ва мухокама учун саволлар .........................................40
Адабиётлар .............................................................................40
**8-Мавзу. Меҳнат бозорини эконометрик моделлаштириш .........41**
**8.1. Меҳнат бозорини эконометрик моделлаштиришнинг моҳияти...........................................................................................41**
**8.2.Эконометрик моделлаштириш босқичлари ва моделлари..........43**
Қисқача хулосалар ..................................................................46
Таянч иборалар ......................................................................46
Назорат ва мухокама учун саволлар .........................................46
Адабиётлар .............................................................................46
**9 - Мавзу. Меҳнат бозорининг социологик тадқиқоти ..............47**
**9.1. Меҳнат бозорини ўрганишда социологик тадқиқотнинг аҳамияти.........................................................................................47**
**9.2.Меҳнат бозори бўйича аниқ социологик тадқиқотлар ўтказиш - нинг босқичлари.......................................................................48**
Қисқача хулосалар ..................................................................51
Таянч иборалар ......................................................................52
Назорат ва мухокама учун саволлар .........................................52
Адабиётлар .............................................................................52
**10-Мавзу. Яқин келажакда меҳнат бозорини ривожланиши концепцияси ......................................................................... 53**
**10.1. Меҳнат бозори ривожланиши концепциясининг стратегик мақсадлари.................................................................. 53**
**10.2.Меҳнат бозорини ривожланиш босқичлари.........................54**
Қисқача хулосалар ..................................................................55
Таянч иборалар ......................................................................55
Назорат ва мухокама учун саволлар .........................................55
Адабиётлар .............................................................................56

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ....................................................57